



# MILLIY TIKLANISH

41 (102) 2010 йил 6 октябрь, чоршанба • Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси


2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган  
www.milliytiklanish.uz



## Ўзбекистон ташаббуслари: ЎЗМТДП нигоҳида

Бугунги кунга келиб дунёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш бўйича ўтказилаётган кўплаб халқаро анжуманларда бундан икки йил бурун Ўзбекистон раҳбари илгари сурган ғоялар тўғри ва ҳаётий эканлиги тан олинмоқда.

3-бет



## Улкан айсберглар

2010 йил ҳар қачонгидан иссиқ келди. Бу эса Гренландия музликларидан минглаб айсберглар ажралишига олиб келган. Яқинда бу ерда Патерман музлиги «қармоғи»да бўлган майдони 260 кв.км.га тенг улкан айсберг «озодликка чиққан». Саёҳатга чиққан муз «булакчаси» сўнгги 50 йилда кузатилган энг катта айсберг саналади.

7-бет



## Нафосат маликалари

Кейинги йилларда спортнинг нафис тури саналган бадий ва спорт гимнастикалари жадал ривожланиб бормоқда. Хусусан, Сирдарё вилоятида ҳам ушбу спорт тури бўйича тўғрак ва секцияларни кўпайтириш, спорт иншоотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида ибратли ишлар амалга ошириляпти.

8-бет

## Ислоҳотлар инсон манфаатларига хизмат қилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга ошириляётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 5 октябрь куни Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди.

Мамлакатимизда барча соҳаларда олиб бориляётган изчил ислоҳотлар аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришга, ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом камол топишига хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури ҳам шу мақсадга йўналтирилган бўлиб, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Бунинг амалий натижаларини Қорақалпоғистон Республикаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Қорақалпоғистонда жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 7,7 фоиз ошди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,2 фоиз, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 5,6 фоиз, қурилиш-пудрат ишлари ҳажми 9,1 фоиз, савдо ва умумий овқатланиш 16,9 фоиз, хизмат кўрсатиш 12,4 фоиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажми 13,5 фоиз ортди.

Иқтисодиётни тубдан таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш, экспорт қилувчи корхоналар-

ни қўллаб-қувватлаш бўйича кўриляётган чоратadbirlar натижасида ҳудудий корхоналар томонидан амалга оширилган экспорт миқдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12,8 фоиз ўсиши таъминланди. Қорақалпоғистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратиляётган эътибор, яратилаётган ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароит ҳам ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Президентимиз Ислоҳ Каримов Кегейли туманидаги "Давлат" фермер хўжалигида бўлиб, фермерлар, ёшлар вакиллари билан суҳбатлашди.

Юртбошимиз мураккаб экологик шароитда яшаб, меҳнат қилаётган Қорақалпоғистон халқининг иқтисодиётимизнинг барча соҳаларида, хусусан, пахтачилик ва ғаллачиликда эришяётган ютуқларига юксак баҳо берди. Давлатга пахта сотиш шартнома-мажбуриятини биринчилардан бўлиб бажарган Оролбўйи миришкорларини самимий табриклади.

Президентимиз фермерлик ҳаракатини ривожлантириш борасида тўхталар экан, таъминот масаласига яна бир бор эътибор қаратди.

2-бет

## ҚАДРИЯТ

## Эъзоз топаётган ҳунармандлар

халқимизнинг бой ва бебаҳо миллий қадриятлари, эзгу анъаналарини давом эттирмоқда



Маданий — тарихий ёдгорликларни кўз қорачигидай асраш, уларни келгуси авлодларга бус бутун етказиш ишига ҳар томонлама кўмаклашиш ва мамлакатимиз ижобий имижини шакллантириш, унинг ноёб маънавий бойлиги ва халқимиз тарихий меросини тарғиб қилишни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг асосий вазифасидир.

(ЎЗМТДП Дастуридан) 5-бет

## КОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол қилиб вояга етказишда Давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Айтиқса, "Баркамол авлод йили" деб ном олган жорий йилдаги Давлат дастурининг қабул қилиниши ҳамда уни ҳаётга изчил татбиқ қилиб борилиши ҳам бу борадаги эзгу ишларнинг ёрқин ифодасидир.

## Рекламанинг ҳуқуқий асослари

семинарда уни таъмин этишдаги муҳим вазифалар белгилаб олинди

Ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда уларнинг алкоғолли ичимликлар истеъмол қилиши ва тамаки маҳсулотлар чекишининг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ушбу маҳсу-

лотлардан фойдаланган киши саломатлиги ёмонлашиш билан бирга, жамият учун ҳам зарар келтириши мумкин.

Парламент палаталарида узоқ муҳокамадан сўнг "Реклама

тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 178-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги"ги

2-бет

## ТАДБИР

Дунёда касблар кўп. Лекин, улар ичида энг улуг ва шарафлиси бу — ўқитувчи ва мураббийликдир.

## Маърифат фидойилари

ЎЗМТДП уларнинг меҳнатларини эъзозлаш, эҳтиром кўрсатиш каби эзгу ишларга нафақат азалий анъана, қолаверса, мустақиллик йилларида янги маъно ва мазмун касб этаётган миллий қадрият сифатида қарайди

Дарҳақиқат, келажак авлодга таълим-тарбия беришга, уларнинг маънавий олами, тафаккур дунёсини ўстиришга кўз нури, қалб кўри, бутун борлиги ва умрини бахшида этаётган устозлар меҳнатини ҳеч нарсага тенглаштириб бўлмайд.

Устозни улуглаш, ҳурмат қилиш халқимизга хос одат. Истиқлол туфайли эса бу анъана янада кучайди. Буни юртимизда ўқитувчи ва мураббийлар меҳнати юксак қадрланиб, эъзоз топа-

ётганидан билса бўлади. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 29 сентябрда эълон қилинган Фармонида биноан, мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган ходимлардан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак муқофотлари билан тақдирлангани ҳам ана шундай эъзоз ва эътиборнинг бир нишонасидир.

3-бет

# Ислоҳотлар инсон манфаатларига хизмат қилмоқда

(Давоми.  
Боши 1-бетда)

– Деҳқонга зарур шароит яратиш бериш даркор. Шундагина у юксак натижаларга эриша олади, – деди Ислам Каримов. – Уруғлик, ёқилғимойлаш материаллари, ўғит, имтиёзли кредит муаммоларини вақтида ҳал этиш зарур. Айниқса, Қорақалпоғистон шароитида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Учрашувда қорақалпоғистонлик фермерлар қишлоқ аҳлига кўрсатилган улкан эътибор ва ғамхўрлиги учун Юртбошимизга самимий миннатдорлик изҳор этдилар.

– Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга қаратаётган эътибор ютуқларимизнинг асосий омил бўлаётди, – деди Эллиқалба туманидаги “Фарҳод Қўшнараров” фермер хўжалиги раҳбари Халилла Қўшнараров. – Деҳқончилик маданияти йил сайин юксалиб бормоқда. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги ишлар ҳосилдорликни ошириш имконини бераётди.

Кегейли туманида иқтисодий-ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш, банк тизимини такомиллаштириш, аҳолини иш билан таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Юртбошимиз сувсизликка чидамли, эртапишар пахта навлари устида чуқур илмий изланишлар олиб бориш, уларни Қорақалпоғистон шароитида районлаштириш юзасидан тавсиялар берди.

Давлатимиз раҳбари халқимизнинг турмушини янада яхшилаш, қишлоқларимизни қиёфасини ўзгартириш, ҳеч кимдан кам бўлмаган фаровон ҳаётга эришиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталар экан, бу борада барча тоифадаги раҳбар-

лар масъулиятини янада ошириш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

– Мақсадимиз биз кураётган ҳуқуқий-демократик жамиятни, яъни адолатли давлатни янада мустақамлашдан иборат, – деди Президентимиз. – Бунинг учун жамоатчилик назоратини кучайтириш лозим. Бу назоратни тўғри йўлга қўйсақ, шу йил 20 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлиси минбаридан айтган мақсадларимизга албатта етамиз.

Юртбошимиз истиқлол йилларида барча соҳаларда эришилган оламшумул ютуқлар хусусида, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, миллатнинг генофондини яхшилаш, соғлом авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишлар бераётган юксак самаралар тўғрисида сўз юритди. Истиқлол йилларида одамларимизнинг ўртача умр кўриши 73 ёшга, аёлларнинг ўртача умр кўриши эса 75 ёшга етгани ана шундай самаралардандир.

Президентимиз Ислам Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқида Орол бир авлод ҳаёти давомида деярли қуриб ва йўқолиб бораётган сув ҳавзасига айланганини, қирқ йил мобайнида Орол денгизи акваторияси 7 баравар қисқариб, сув ҳажми 13 марта камайганини, унинг минераллашуви эса ўнла баравар ошиганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Қорақалпоқ заминидagi учрашувда бу долзарб масалага яна бир бор эътиборни қаратди.

– Орол тақдири – миллион-миллион инсонлар тақдири демакдир, – деди Ислам Каримов. – Шундай экан, биз ўз тақдиримиз, фарзандларимиз келажаги учун курашмоғимиз зарур.

Учрашувда Ўзбекистон Қаҳрамони, қорақалпоғистонлик олим Фай-

ратдин Хўжаниёзов, Қорақалпоғистон Республикаси деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг лаборатория мудири Узоқбой Айтжонов, Нукус шаҳридаги 1-академик лицей ўқитувчиси Пошшагул Камолова ва бошқалар Оролбўйидаги экологик вазиятни яхшилаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, турмуш даражасини янада юксалтиришга қаратаётган доимий эътибори учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирдилар.

Давлатимиз раҳбари Кегейли тумани Халқобод шаҳарчасидаги гўшти қайта ишлаш корхонаси фаолияти билан танишди.

“Кегейли бўян” Ўзбекистон-Австрия қўшма корхонаси қошида ташкил этилган, аҳолига 30 хилдаги колбаса маҳсулотлари етказиб бераётган маъмурият билан 25 киши доимий иш билан таъминланди. Корхонага хорижий инвестиция ҳисобидан замонавий дастгоҳлар ўрнатилган. Бу ерда қўшма 4,5 тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Компьютерлар ёрдамида бошқарилаётган ишлаб чиқариш технологияси асосан ёшлар томонидан юритилмоқда.

Корхона маҳсулотлари нафақат ички бозорга, балки қўшни давлатларга ҳам етказиб берилаётди. Корхона таъсисчиси – “Абил-боғ” фермер хўжалигида айна кунларда бўрдоқчилик комплекси барпо этилмоқда.

Президентимиз Нукус шаҳар марказий майдонда амалга оширилган қурилиш ва ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан сунги йилларда Нукус шаҳрида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, шаҳар қиёфаси бутунлай янгиланмоқда. Шаҳар марказидаги майдонда барпо этилган яшил майдон ва унга қўри бағишланган турган олти фаввора Нукус қиёфасига ўзгача тароват бағишлади. Майдон ўрта-

сида атоқли қорақалпоқ шоири Бердақ хайкали қад ростлагани қорақалпоқ миллий маънавияти ва маданияти ривожини, ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз шаҳар марказий майдонининг умумий кўринишига монанд замонавий меъморлик услубида бунёд этилган Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг янги биносини кўздан кечирар экан, ушбу майдон ва унинг атрофидаги бинолар бир-бирига уйғун, муайян маъно-мазмунга эга яхлит композиция ташкил этганини таъкидлади. Майдонга маҳаллий tupроқ ва иқлим шароитига мос дарахт кўчатлари ўтказиш, ландшафт дизайни устида янада пухтароқ ишлаш юзасидан тавсиялар берди.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нукус филиалида талабалар бугунги кунда тўрт йўналиш бўйича замонавий таълим стандартлари асосида илм-фан сирларини ўрганмоқда. Университетнинг янги ўқув биносида талабалар учун барча қўлайликлар яратилган.

Президентимиз мазкур билим даргоҳида бўлиб, таълим жараёни, бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан танишди, талабалар билан суҳбатлашди. Юртбошимиз ахборот асри деб номланган XXI асрда ҳаётни инновацион технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмаганини, қорақалпоқ ёшлари ўз салоҳияти билан дунёга янада фаолроқ чиқиши, бошқалардан кам эмаслигини исботлаши лозимлигини таъкидлади.

Мамлакатимизда барча соҳаларда эришилаётган улкан ютуқлар замирида инсон манфаатлари муҳасам экани Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

**Воҳид ЛУҚМОНОВ,**  
**Олим ТўРАҚУЛОВ,**  
**Аминбой ОРТИҚБОВ,**  
**ЎЗА махсус мухбирлари**

## ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

# Рекламанинг ҳуқуқий асослари

семинарда уни таъмин этишдаги муҳим вазифалар белгилаб олинди

(Давоми.  
Боши 1-бетда)

Унда депутатлар, Ўзбекистон Республикаси Олий ва Хўжалик судлари, Бош прокуратура, вазирлик ва идоралар, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси, шунингдек, соҳага алоқадор ташкилотлар вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Ўқорида номи тилга олинган Қонуннинг мазмун-моҳияти, унинг жамият ҳаёти, ёшлар маънавияти ва тарбиясида кўрсатилган ижобий таъсири юзасидан фикр-мулоҳазалар, савол-жавоблар асосида кечган анжуманда келгусида мазкур ҳужжатнинг ҳаётга изчил татбиқ этилишида соҳага масъул идора ва вазирликлар олдида турган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан ҳамкорликда “Ўзбекистонда ахборот ва коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари ва истиқболлари” мавзусида семинар ўтказди.

# Ахборот коммуникация технологиялари

соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни янада такомиллаштириш мақсадида бир қатор йўналишларда ишлар олиб борилмоқда

Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, ОАВ вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлардан ташриф буюрган Бош прокуратура ҳузуридаги Олий ўқув курсларининг тингловчилари иштирок этдилар.

Бугун дунё миқёсида ахборот коммуникация технологиялари жадал суръатларда ривожланмоқда. Хозирги даврда ушбу тизим орқали узатиладиган ахборот жамият ривожининг энг муҳим шартларидан бирига айланган. Шу боис, тараққий этган давлатлар ушбу соҳага алоҳида эътибор қаратмоқда.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда ҳам мазкур замонавий тармоқ ҳаётнинг барча жабҳаларига тобора чуқур кириб бормоқда. Жумладан, Президентимизнинг ташаббуси билан қабул қилинган Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг 2002-2010 йилларга мўлжалланган дастури амалиётга татбиқ этилиши натижасида эришилаётган муваффақиятли натижалар шундан далолат беради. Шунингдек, ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солишчи мустақам ҳуқуқий база шакллантирилди.

Замонавий талаб ва стандартлар ҳамда конституциявий тамойиллар асосида “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги, “Радиочастотали спектр тўғрисида”ги, “Почта алоқаси тўғрисида”ги қатор қонун ва кенг қамровли қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Йиғилишда иштирок этган мутахассислар ўз маърузаларида таъкидлашганидек, мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш комплекс равишда, изчиллик билан ва илмий асосланган ҳолда олиб борилмоқда.

“Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мазмун шартларга риоя қилинган ҳолда электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзо ва қозғоғдаги шахсий имзо тенг кучга эга эканлигини таъминлаб берди. Шунингдек, ахборотлаштириш тизимида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг техник ва технологик хусусиятлари, электрон рақамли имзодан фойдаланиш амалиёти ҳамда унинг ҳуқуқий белгиланиши каби жиҳатларнинг қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган мақсадга мувофиқдир.

Иштирокчилар ахборотлаштириш тизимида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг техник ва технологик хусусиятлари, тергов жараёнида фойдаланиладиган янги ва келажақда амалиётга жорий этиладиган илғор технологиялар билан ҳам яқиндан танишдилар.

Семинарда маърузачилар мамлакатимизда ахборотлаштириш жараёнларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари тўғрисида атрофлича маълумотлар беришди. – Қўмита аъзолари айна кунларда ушбу соҳада ҳуқуқий муносабатларни янада такомиллаштириш мақсадида бир қатор йўналишларда кенг қамровли ишларни олиб боришмоқда, – дейди биз билан суҳбатда мазкур қўмита аъзоси Шухрат Деҳқонов. – Ахборот хизматларини кўрсатиш, электрон ҳужжат айланиши, ахборот ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини тартибга солишчи қонунлар лойиҳалари устида ишлаш, ахборот тизимларини яратиш ва уларнинг ўзаро ишларини таъминлаш, ахборот хавфсизлиги, ахборотни муҳофаза қилиш бўйича стандартлар ишлаб чиқиш сингари масалалар шулар жумласига киради.

Семинар иштирокчилари муҳокамалар жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари тизими билан боғлиқ ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар олишди. Тадбир якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар қабул қилинди.

**Аббор УМАРҚУЛОВ,**  
**“Milliy tiklanish” мухбири**

## ҚАРОР ВА ИЖРО

# Баркамол авлод — юрт таянчи

Мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, ўсиб келаётган навқирон авлодни турли хасталиклардан асраш, репродуктив саломатликни мустақамлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасида, кўплаб оғир хасталиклар ва ногиронликнинг олди олинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустақамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлаётди.

Мазкур қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан ҳам кўплаб хайрли ишлар амалга оширилаётди.

– Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустақамлаш, уларга «Соғлом она – соғлом бола» дастурининг мазмун-моҳиятини тушунтириш, тўғруқ ёшидаги аёлларга кўрсатилаётган тиббий хизматни янада такомиллаштириш борасида жамғармамиз томонидан изчил ишлар амалга оширилмоқда, – дейди жамғарманнинг оналик ва болаларни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Жумабек Нуров.

– Жумладан, лаб танглайида ва оёғида туғма нуқсон бор уч юзга яқин бола юртимиз шифохоналарида, ўндан зиёд ўғил-қиз Германиянинг нуфузли клиникаларида жарроҳлик йўли билан даволанди. Шунингдек, юрагида туғма нуқсон бўлган болаларни соғломлаштириш борасида Жанубий Корея билан ҳамкорликда қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жорий йилда корейлик мутахассислар юртимизга ташриф буюриб, 50 нафардан зиёд болани тиббий кўриқдан ўтказди. Хасталик аниқланган ўнлаб болаларнинг юртимиз ва Жанубий Корея шифохоналарида жарроҳлик йўли билан саломатлаштирилди.

Бугунги кунда жамғарманнинг вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 14 тиббий-ижтимоий маркази фаолият юритмоқда. Улар томонидан чекка ҳудудларда истикомат қилаётган аҳоли, айниқса, аёллар ва болалар шифокор ва мутахассислар ёрдамида сифатли тиббий кўриқдан ўтказилмоқда. Мутахассислар маҳалла ва қишлоқлардаги оилаларнинг ижтимоий шароити, ундаги психологик муҳит,

оила аъзоларининг, айниқса, туғилш ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмирларнинг соғлигини ўрганиб, амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Ўтган вақт мобайнида Республика Саломатлик ва тиббий статистика институти, Республика репродуктив саломатлик маркази, Республика скрининг маркази билан ҳамкорликда аҳоли орасида «Камқонлик ва унинг олдини олиш», «Гиеҳвандлик, ОИТС ва унинг асоратлари», «Оила ва никоҳ» мавзуларида давра суҳбатлари ва семинар-тренинглари уюштирилди. Бу каби тадбирларда репродуктив саломатликка таъсир қилувчи омиллар, юқумли касалликларнинг оғир асоратлари, ўсмирлар, фертил ёшдаги аёллар ва оила қуриш арафасидаги ёшларнинг ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтиши, соғлом фарзандлар дунёга келиши самаралари хусусида атрофлича маълумотлар бериб борилмоқда.

Бугун тиббиёт мутахассислари инсон ҳаёти учун зарур витаминлар, хусусан, фоли кислотаси етишмовчилиги туфайли ҳомилада туғма нуқсон бўлиши мумкинлигини таъкидламоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 22 июлда қабул қилинган «Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустақамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борадаги муаммоларни бартараф этишда

муҳим омил бўлмоқда. Мазкур қарорда қишлоқ жойларида тиббий-профилактика хизмати самарадорлигини ошириш, бўлажак оналар ва болалар саломатлигини мустақамлаш мақсадида таркибда фоли кислотаси мавжуд умумий қувватланувчи поливитаминлар етказиб бериш вазифаси белгилаб берилган.

Жамғарма томонидан мазкур қарор ижроси юзасидан аҳоли, айниқса, бўлажак оналарга поливитаминларнинг организм учун аҳамиятли жиҳатлари кенг тарғиб қилинмоқда. Витаминлар етишмовчилиги натижасида келиб чиқадиган хасталиклар, унинг салбий оқибатлари ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Айни пайтда тиббий ижтимоий марказлар томонидан вилоятлардаги хомиладор аёллар сони аниқланиб, уларга тегишли тавсиялар берилаётди.

Фаргона вилоятининг Бешарик туманида бўлиб ўтган «Витаминлар – саломатлик пойдевори» мавзусидаги давра суҳбатидида тумандаги бўлажак оналар, хотин-қизлар иштирок этди. Шифокор ва мутахассислар йиғилганларга витаминлар ва фоли кислотасини меъёрида истеъмол қилиш саломатлигини мустақамлашда муҳимлигини ўқитдилар. Тўғри овқатланиш ва организм учун зарур витаминларни ўз вақтида етказиб бериш, айниқса, хомиладорлик вақтида жуда муҳимлиги таъкидланди. Бу эса ҳар жиҳатдан соғлом зурриёт дунёга келишига хизмат қилади.

**Гўзал САТТОРОВА,**  
**ЎЗА мухбири**

# ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ДАВРА СУҲБАТИ

## Ўзбекистон ташаббуслари: ЎзМТДП нигоҳида

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида "Хавфсизлик ва тараққиётни таъминлаш йўлидаги Ўзбекистон ташаббуслари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Гулбахор УМУРЗОҚОВА, "Milliy tiklanish" мухбири



Давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисида иштироки, нуфузли минбардан халқаро ҳамжамиятга қилган муносабати, унда ифода этилган таклиф ва ташаббуслар саммит иштирокчилари билан бир қаторда минтақавий ва мамлакатимиз аҳолиси томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинди. Сабаби унда Ўзбекистон Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга оширишда қандай натижаларга эришгани ва бунга асос бўлган "Ўзбек модели" ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қиладиган даражада маълумотлар келтирилди. Мазкур тадбир Президентимиз нутқида илгари сурилган ушбу ташаббус ва ғояларни, унинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш, тарғибташвиқ қилиш ҳамда Президентимиз маърузасида кўзланган мақсад-вазифаларнинг амалий ижросини таъминлашда партия фракцияси ҳамда ташкилотлари олдида турган вазифаларни белгилаб олиш мақсадида ташкил этилди ва унда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва фракцияси аъзолари, Республика Маънавият тарғибот марказининг мутахассислари, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутатлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Дарҳақиқат, Мингйиллик ривожланиш мақсадлари 2000 йилда дунёнинг 192 давлати ҳамда 23та халқаро тузилмаси ўртасида қабул қилинган ва 2015 йилга қадар мўлжалланган мажбуриятлар мажмуи бўлиб, унда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг саккизта устувор йўналиши белги-

ланган. Агар бугунги кунда қарийб беш миллион нафар аҳолининг қашшоқликка яшаётганлиги, ҳар йили икки юз миллиондан ортиқ одамнинг очлик домидан чиқолмаётганлиги ҳисобга олинган бўлса, барча давлатларнинг мутаносиб тараққиётини таъминлаш борасида бир ёқадан бош чиқариб қилинаётган бу каби кенг миқёсли нора-тадбирлар аҳамияти янада яққолроқ намоён бўлади. Демакки ушбу муҳим машарат ҳар бир мамлакат учун глобал ва минтақавий аҳамиятга молик муаммоларни кенг таркибда, олий даражада муҳокама этиш, долзарб масалалар ечимига оид амалий таклиф ва тавсияларни ўртага ташлаш, ўзаро муносабатлар ривожига туртки бериш учун қўлай фурсат ва имконият бўлди.

Тадбирни очган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси раҳбари Улуғбек Муҳаммадиев мазкур халқаро анжуманининг ана шу жиҳатларига эътибор қаратиш билан бирга, саммитдаги Президентимиз нутқининг мазмун-моҳиятига ҳам қисқича тўхталиб ўтди ва жумладан шундай деди:

— БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари ижроси таҳлил қилинган Саммитда Давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов чиқиш қилиб қатнашчилар ва умуман дунё аҳли эътиборини Мингйиллик ривожланиш мақсадлари доирасида Ўзбекистонда амалга оширилган ишлар, мамлакатимизнинг БМТ билан ҳамкорлиги, Марказий Осиёда кечаётган жараёнлар, минтақавий хавфсизлик ва экологик муаммолар ҳамда Афғонистон можаросига қаратди. Ушбу масалалар ечими юзасидан ўз та-

сурилган бир қатор амалий таклиф ва ташаббусларга алоҳида тўхталди. Хусусан ён қўшимиз Афғонистонда 30 йилдан буён давом этиб келаётган урушга чек қўйиш, ушбу мамлакатни иқтисодий жиҳатдан тиклаш, ижтимоий гуманитар инфратузилмани вужудга келтириш, одамларни тинч меҳнатга қайтариш бўйича Юртбошимиз ташаббусларига халқаро жамоатчилик алоҳида эътибор билан ёндашаётганлигини алоҳида таъкидлади.

— Президентимиз 1993 йилдаёқ БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессияси ва 2000 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган Мингйиллик саммитида жажон фақат ҳарбий йўл билан ҳал қилинган Афғонистон муаммосига қаратган эдилар, - деди партия етакчиси.

— Ўзбекистоннинг Афғонистон бўйича яна бир ташаббуси Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Истанбул саммити минбаридан янграган эди. Давлатимиз раҳбарининг НАТО\СЕАП ташкилотининг Бухарестда ўтган саммитида эса, БМТ кўмагида Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш бўйича "6+2" гуруҳи доирасида олиб борилган музокара жараёнини НАТО иштирокида "6+3" шаклида қайта тиклаш ташаббуси ва Афғон муаммосини фақат ҳарбий йўл билан ҳал қилиб бўлмаганини биринчи бўлиб илгари сурганлиги халқаро ҳамжамият томонидан катта қизиқиш билан қўлиб олиниб, қўллаб-қувватланган эди.

Бугунги кунга келиб дунёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш бўйича ўтказилаётган қўллаб-қувватлаш аниқлаш ҳамда Афғонистон анжуманларда бундан икки йил бурун Ўзбекистон раҳбари илгари сурган ғоялар тўғриси ва ҳаётий эканлиги

нинг қадриятлари тўлиқ ҳурмат қилиниши зарурияти алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг позицияси, жумладан партия давлатимиз раҳбарининг ушбу ташаббусларини қўллаб-қувватлаб, Афғонистонда яшаётган аҳолининг кўп асрлик аҳана ва урф-одатлари, ҳамиятдаги мавжуд диний-ахлоқий қадриятларига алоҳида ҳурмат қўриётганини муҳим, деб ҳисоблайди. Партияимиз ғоя-мақсадлари ва сайловдаги Ҳаракат дастурида хавфсизлик, толерантлик, миллат ва эллараро тотувлик масалалари муҳим вазифа сифатида белгиланган.

Юртбошимиз ўз нутқида БМТ ўз олдига қўйган Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишда экология ва атраф-муҳитни муҳофаза қилиш катта аҳамият касб этишини қайд этди. Ушбу масалага кенг тўхталган йиғилиш иштирокчилари минтақамиз дуч келаётган улкан экологик муаммо — Орол фожияси юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Таъкидланганидек, ўтган қирқ йил мобайнида Орол денгизи акваторияси етти баравар қисқариб, сув ҳажми 13 марта камайган, унинг минераллашуви эса ўнлаб баравар ошиши туфайли денгиз тирлик организмлар яшashi учун яроқсиз аҳолга келган. Ана шундай бир шароитда Амударё ва Сирдарёнинг юқори қисмида улкан гидроиншоотларни қуриш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган уришлар экологияга жиддий зарар етказиб, хавфли техноген фалокатларни келтириб чиқариши мумкинлиги маърузачилар томонидан айтиб ўтилди.

Шунингдек йиғилишда Республикани улашди. Худди шундай тадбир Тошкент Тўқимачилик ва энгил саноат институтида ҳам бўлиб ўтди.

Тадбирни очган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси раҳбари Улуғбек Муҳаммадиев олийгоҳдаги ўқитувчиларни байрам билан табриқлаб, инсон камолоти йўлида ҳар бир дақиқада устозлар кўмаги ва насиҳати муҳимлигини айтиб ўтди. Фракция раҳбари шунингдек, ЎзМТДП ғоя ва мақсадлари ҳақида ҳам қисқича тўхталар экан, партия аъзолари сонининг асосий қисмини зиёлилар ташкил қилишини, партия электорати ҳисобланган ўқитувчи ва мураббийлар манфаатини ҳимоя қилиш ЎзМТДПнинг асосий вазифаси эканлигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, жамиятнинг бугуни ва келажги, унинг маданий-маърифий ва маънавий салоҳияти таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Тадбирда таълим-тарбия тизимидаги ислохотларнинг муваффақияти эса кўп жиҳатдан ўқитувчи ва мураббийларга боғлиқ эканлиги, шу боис ЎзМТДП томонидан халқимиз маънавиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этиб келаётган "Устоз-шогирд" аънавларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериб келинаётганлиги хусусида гапирилди.

лика Маънавият тарғибот маркази раҳбари ўринбосари Султонмурод Олимов "Мамлакатни демократлаштириш ва модернизация қилишда "Ўзбек модели"нинг аҳамияти" мавзусида маъруза қилди.

— Ривожланишнинг "Ўзбек модели" - Ўзбекистоннинг ўзига хос ва мос бўлган, миллий урф-одат ва аънавларини сақлаб қолган ҳолда халқаро ҳамжамиятга тенг ҳуқуқли аъзо бўлишга қаратилган, муҳтарам Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган бешта муҳим таъминоти асосланган ва халқимиз томонидан танланган ривожланиш йўлидир, - деди у ўз сўзида.

— Бу йўл нафақат Ўзбекистонни «бозор иқтисодиёти»га ўтказиш, балки давлатнинг бош ислохотчи бўлиши, иқтисодиётни сиёсатдан ҳоли эканлиги ва шу каби давлатнинг асосий йўналишлардаги ислохотларини, глобал муаммоларнинг ечимини ҳам кўрсатиб берди. Мана шу таъминоти асосланган Ўзбекистон ўз фаолиятини олиб бораётганлиги сабабли, жажон молиявий-инқирози мамлакатимизга хавф солмади. Жажон ҳамжамиятида бунга жуда катта баҳо берилди ва бу беш таъминоти яна бир бор маъқуланишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида БМТ аъзолари сафидан жой олганига атиги 19 йил бўлган бўлса-да, лекин ўтган йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот 3,5, аҳоли жон бошига ҳисобланган эса 2,5 баравар ўсганлигини ҳамда ўртача иш ҳақи 14 баравар ошганлигини, шунингдек, давлат бюджетининг 50 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилганлигини халқимизнинг истиқлол йилларида эришган ютуғи сифатида этироф этиш мумкин. Айниқса, жажонда кечаётган молиявий-иқтисодий инқирозга қарамаستан 2008-2009 йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсиш суръатлари 9 ва 8,1 фоизни ташкил қилганлиги, жорий йилда буюртмаси 8,5 фоиз даражада бўлиши кутулаётгани мустақил Ўзбекистон танлаган йўл нақадар тўғри бўлганини кўрсатиб турибди. Шу ўринда таъкидлаш жоиз Ўзбекистонда 19 йил ичида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар биринчи гада инсон манфаатларини таъмин этишга қаратилган. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб қабул қилинган ва амалга ошириб келинаётган Давлат дастурлари эса Декларациянинг асосий йўналишлари ҳамоҳангдир.

Тадбирда сўз олган ЎзМТДП фаоллари Ватанимиз миллий манфаатларини ва халқаро масалаларда тугган позициясини ҳимоя қилишнинг ўз дастурий мақсадларида асосий вазифа сифатида белгиланган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясини давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримовнинг БМТ саммити — Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган мажлисидаги нутқида илгари сурилган ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва унинг амалий ижроси бўйича мамлакат раҳбарияти олиб бораётган кенг қўллаш ишларида фаол иштирок этишини этироф эттиди.

Йиғилишда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги ЎзМТДП депутатлар гуруҳлари, худудий партия ташкилотлари томонидан Президентимиз нутқида илгари сурилган ғоя ва мақсадларни кенг омма орасида тарғиб-ташвиқ қилишга қаратилган учрашув ва семинарлар ташкил қилиш, одамларда, айниқса, ёшларда мустақил фикрлаш туйғусини шакллантириш бўйича ўз фаолиятларини янада кучайтириш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Мустақиллик йилларида аждродларимиздан қолган маънавий меросимиз, мустақиллик тузумида харобаларга айланган тарихий ёдгорликларни қайта тиклаш ва таъмирлаш орқали аслига қайтаришнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари яратилди.

## Назорат-таҳлил фаолияти

унда "Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги ҳамда "Музейлар тўғрисида"ги Қонунларнинг Наманган вилоятидаги ижроси ўрганилди

Жумладан, "Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Музейлар тўғрисида"ги Қонунлар ва бошқа қўллаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тарихий, маданий ва маънавий меросимизни ўрганиш, авайлаб-асраш ва келажак авлодларга етказишда муҳим рол ўйнади.

Мазкур қонунларнинг ижроси юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси Наманган вилоятида нозорат-таҳлил ўтказди. Яқинда қўмитанинг ушбу нозорат-таҳлил якунларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар, қўмита аъзолари, Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги, ЎзР ФА, "Ўзбекмузей", "Олтин мерос" жамғармалари масъул ходимлари, Қоракалпоғистон Республикаси ва Самарқанд Археология институти раҳбарлари ҳамда археологлар, вилоятдаги соҳа мустақил ходимлари, шунингдек, ОАВ вакиллари иштирок этди.

Муҳокамада мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингандан кейин вилоятда археология мероси объектларини муҳофаза қилиш билан улардан фойдаланиш, келажак авлодга етказиш, юксак маънавий соҳиб бўлган аждродлар мероси халқимиз, айниқса, ўсиб келаётган авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этиб келаётгани қайд этилди.

Вилоятда бугунги кунда жами 236 та маданий мерос объектлари давлат муҳофазасига олинган бўлиб, улардан 136 таси археология мероси ёдгорликларини ташкил этади. Уларнинг деярли барчаси республика аҳамиятига эга объект саналади. Ушбу маданий меросдан фойдаланиш ва сақлаш, археологик қидирув ишларини олиб бориш, топилмаларни экспертизадан ўтказиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганлиги, вилоятда фаолият кўрсатаятган музейларда ижобий ишлар қилинганлиги таъкидланди.

Шу билан бирга аждродларимиз қолдирган археология мероси объектлари қаторидан ўрин олган X-XII асрларга оид Фарғона (тоғлар билан ўралган шаҳар) маънавий аниқлугуви Ахсиқент ёдгорлигининг тарихий ва маданий аҳамиятини ҳисобга олиб бугунги кунда ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий мероси рўйхатида киритиш бўйича ишлар олиб борилганлиги, Ўзбекистон Теле-радиоканали ва Ўзбекистон ФА Археология институти ҳамкорлигида Эски Ахси (Ахсиқент) ёдгорлигига бағишланган телефильмлар яратилганлиги, музейлар фаолиятидаги нобъ ашди, экспозициялар ва нобъ кўлэмалар асосида олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилаётганлиги ҳам алоҳида эътироф этилди.

Музейларда археология объектларидан олинган тарихий ашёларни сақлаш борасида ёш авлодга маънавий-маърифий сабоқ бериш, тарихимизни, маданий ва маънавий меросларимизни, миллий қадриятларимизни ёш авлод тарбиясига сингдириш ишлари йўлга қўйилган. Вилоятда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш давлат инспекцияси томонидан мавжуд маданий мерос объектларини оммага намойиш этиш мақсадида интернет саҳифасида махсус веб-сайт яратилган, рисодалар чоп этилган ва олимлар билан ҳамкорликда электрон қўлланма тайёрланган.

Йиғилишда аниқланган камчилик ва муаммолар муҳокама қилинган ва уларни бартараф этиш юзасидан аниқ чоралар белгиланди. Вилоятда археология объектлари давлат муҳофазасига олинган бўлишига қарамай 136 та археология объектдан 32 таси ёки 23,5 фоизи давлат кадастридан ўтказилганлиги, уларда 2006 йилдан буён археология қидирув ишлари, қазимчалар олиб борилмаётганлиги, археология объектларининг муҳофаза худудлари белгиланмаганлиги, мавжуд объектларнинг муҳофаза белгилари эскирганлиги, қаровсиз ҳолатда эканлиги танқид остига олинди.

Шунингдек, муҳокама давомида вилоятда музейларнинг аҳоли ҳам чуқур таҳлил этилиб, "Музейлар тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юклатилган вазифалар етарли даражада бажарилмаганлиги оқибатида музей ашёлари ва коллекцияларини бузилаётган ҳолатда сақлаш учун етарли шарт-шароитлар яратилмаганлиги, янги махсус кутилар билан таъминланмаганлиги, фондларни қўриқлаш ва ёнгиндан ҳабар берувчи оғоҳлик воситалари эскирганлиги, эътиборсизлик ҳолатлари мавжудлиги кўрсатиб ўтилди.

Мажлис сўнггида муҳокама этилган масалалар юзасидан қўмита қарори қабул қилинди.

**А. УМАРКУЛОВ,**  
"Milliy tiklanish" мухбири

## ТАДБИР

(Давоми. Боши 1-бетда)

# Маърифат фидойилари

Айтиш жоизки, Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда ҳар йили 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунини умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиб келинмоқда. Бу йилги байрам ҳам республикамиз миқёсида ўтказилди.

ЎзМТДП халқимизнинг кўп асрлик маънавий-ахлоқий қадриятларини тиклаш ва сақлашда, ёш авлодни ватанпарварлик, мустақиллик ва демократия ғояларига содиқлик руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутган маърифат фидойилари меҳнатларини эъзозлаш, уларга эҳтиром кўрсатиш каби эзгу ишларга нафақат азалий мерос, қолаверса, мустақиллик йилларида янгича маъно ва мазмун касб этаётган миллий қадрият сифатида қарайди. Бу партия Марказий ва унинг маҳаллий ташкилотларида ўтказилган қўллаб байрам тадбирлари, учрашув ва давра суҳбатларида ўз аксини топди. Жумладан, ЎзМТДП Марказий ва Тошкент шаҳар кенгашлари Ўзбекистон Миллий университети билан ҳамкорликда "Устозни улуғлаган юрт буюқдир" мавзусида тадбир ўтказди.

Унда ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Марка-

зий Кенгаши аъзолари, партия фаоллари, университетнинг профессор-ўқитувчилари ва ёшлар иштирок этди.

Тадбирда устоз ва мураббийларни байрам билан қўллаш учун ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ахтам Турсунов сўзга чиқди. Партия етакчиси ўз сўзида миллат ворисларини етук мутахассис қилиб тарбиялашда таълим тизимини янада ривожлантириш ва уни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган ислохотлар ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда унинг узвий давоми бўлган Мактаб таълимининг ривожлантириш дастурининг ижросига кенг тўхталди. Шунингдек, нотиж ёшларни жисмонан соғлом, маънан етук, боқ аждродларига мусоаб муносиб фарзанд этиб тарбия-

лашдек эзгу мақсад йўлида ЎзМТДП ўқув даргоҳи билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини таъкидлади.

— Президентимиз бошчилигида юртимизда бошқа соҳалар қатори таълим тизимида ҳам туб ислохотлар амалга оширилди, — деди Ўзбекистон Миллий университети ректори, профессор Ғофуржон Мухаммадиев. — Малакатимизнинг тарихан қисқа бир давр ичида таълим ва маърифат соҳасида қўлга киритилган ютуқ ва марралари яқинда БМТнинг олий даражадаги анжуманида барчада қизиқиш ва ҳавас уйғотганлигини алоҳида эътироф этиш ўринли.

Тадбирда бир гуруҳ ўқитувчилар ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгашининг эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шундан сўнг саяткорлар томонидан айро этилган кўй-қўшиқлар барчага байрам

кайфиятини улашди. Худди шундай тадбир Тошкент Тўқимачилик ва энгил саноат институтида ҳам бўлиб ўтди.

Тадбирни очган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси раҳбари Улуғбек Муҳаммадиев олийгоҳдаги ўқитувчиларни байрам билан табриқлаб, инсон камолоти йўлида ҳар бир дақиқада устозлар кўмаги ва насиҳати муҳимлигини айтиб ўтди. Фракция раҳбари шунингдек, ЎзМТДП ғоя ва мақсадлари ҳақида ҳам қисқича тўхталар экан, партия аъзолари сонининг асосий қисмини зиёлилар ташкил қилишини, партия электорати ҳисобланган ўқитувчи ва мураббийлар манфаатини ҳимоя қилиш ЎзМТДПнинг асосий вазифаси эканлигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, жамиятнинг бугуни ва келажги, унинг маданий-маърифий ва маънавий салоҳияти таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Тадбирда таълим-тарбия тизимидаги ислохотларнинг муваффақияти эса кўп жиҳатдан ўқитувчи ва мураббийларга боғлиқ эканлиги, шу боис ЎзМТДП томонидан халқимиз маънавиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этиб келаётган "Устоз-шогирд" аънавларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериб келинаётганлиги хусусида гапирилди.

**Умурзоқ ХАМДАМОВ,**  
"Milliy tiklanish" мухбири

## ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ИЖРО

## Бюджет ижроси парламент назоратида

Мамлакатимиз асосий молиявий ҳужжатининг ижросини назорат қилиш парламентнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Шу сабабли Олий Мажлис куйи палатасида ушбу масалага ҳар доим алоҳида эътибор қаратилади. Яқинда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Қонун билан куйи палатага берилган ваколатларга мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлари Давлат бюджетининг 2010 йил биринчи ярим йиллигидаги ижросига доир ҳисоботни эшитдилар.

**С.ОТАМУРАТОВ,  
А.ТЎХТАБАЕВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси  
депутатлари, ЎзМТДП фракцияси аъзолари**

Давлат бюджети давлат томонидан иқтисодий соҳани тартибга солишга қаратилган энг муҳим механизмлардан биридир. Зеро, ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тизимини шакллантириш ва ривожлантиришда давлат бюджети асосий ўрин тутди. Муҳтарам Президентимиз томонидан белгилаб берилган мамлакатни 2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва асосий вазифаларини татбиқ этилиши ҳамда Инқирозга қарши чоралар Дастурининг изчил амалга оширилиши жорий йилнинг биринчи ярмида иқтисодиёт ва жамият ижтимоий ҳаётини барқарор, мувозанатли ривожлантириш, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлади. Олий Мажлис томонидан аввал тасдиқланган кўрсаткичларга, Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 29 январдаги мажлисида Президентимиз илгари сурган 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури устуворликларига мувофиқ ижро этилди, десак адашмаган бўламиз.

Давлат бюджетидан долзарб социал-иқтисодий масалаларни ҳал этиш, аввало аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, соғлиқни сақлаш, фан, таълим, маданият, спорт ҳамда Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган 2009–2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар Дастурининг амалга оширилиши, шунингдек, жамиятимиз бошқа соҳаларини ривожлантириш масалалари ўз вақтида молиялаштирилди.

Давлат бюджетининг 2010 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси якуналарини таҳлил қилар эканмиз республикамизда бюджет муносабатларининг ривожланиб бораётганлигини ва самарали бюджет сиёсати юритилганлигини куйидаги таҳлилларда кўрсатишимиз мумкин:

Биринчидан, Давлат бюджетининг даромадлар қисмига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келадиган кичик корхона ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 8 фоиздан 7 фоизга пасайтирилишига қарамай жорий йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига 29 млрд. сўмга кўп маблағ тушганлиги ижобий ҳолдир. Қолаверса, ягона солиқ тўлови ставкасининг пасайтирилиши кичик бизнес субъектлари ихтиёрида қўшимча равишда 18,0 млрд. сўм қолдиришга шароит яратди. Бу эса уларга замонавий технологияларни жорий қилиш ва ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш учун янги имкониятлар яратди.

Иккинчидан, юридик шахслардан олинмаган фойда солиғи бўйича ставка 10 фоиздан 9 фоизгача туширилган бўлса-да, тушумлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 26,6 фоизга кўп бўлган. Мазкур солиқ ставкасининг пасайтирилиши натижасида корхоналар ихтиёрида қўшимча равишда 34,0 млрд. сўм қолдириш имкони яратилди, мазкур маблағлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, илғор технологияларни жорий қилишга ҳамда ходимларни рағбатлантиришга хизмат қилмоқда.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар, солиқ

ставкаларининг босқичма-босқич пасайтирилиши давлат бюджети кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бюджет даромадларининг ялпи ички маҳсулотга нисбати 2009 йилнинг биринчи ярим йиллигидаги 27,1 фоиз ўрнига ҳисобот даврида 25,1 фоизни ташкил этганлиги ҳақиқатдан ҳам иқтисодиётга солиқ юкни мунтазам равишда пасайтириш тенденцияси сақланиб қолаётганлиги кўрсатиб турибди.

Ҳукумат томонидан бюджет ва пул-кредит сиёсати соҳасида эришилаётган ижобий ютуқлар билан бир қаторда иқтисодиётни бошқаришда айрим вазирлик ва идоралар томонидан йўл қўйилган камчиликлар ҳамда баъзи тармоқларда ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Уларни бартараф этилиши мамлакатимизнинг молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлашига, қолаверса, Давлат бюджетининг янада юқори кўрсаткичлар билан ижро этилишига олиб келган бўлар эди.

Мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштиришга қаратилган чора-тадбирларга, айниқса, солиқ соҳасида яратилган преференция ва имтиёزلарга қарамай, айрим соҳаларда етарли чора-тадбирлар кўрилмаганлиги сабабли, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг пасайиб кетишига йўл қўйилмоқда. Албатта, бундай ҳолатлар нафақат бюджет даромадларига, балки истеъмол бозорига, айниқса пул муомаласига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда соҳаларда ва ҳар бир ҳўжалик юритувчи субъект даражасида энг долзарб ва муҳим масалалардан бири бу молиявий маблағларнинг, даромадлар ва харажатларнинг аниқ ҳисоб-китобини юритишни, улардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш орқали тежамкорликни ва барқарор ривожланишни таъминлашга ҳисса қўшишдан иборатдир.

Корхоналарда ҳисоб-китоб юритиш қоидаларига қанчалик аниқ ва пухта риоя этилса, бюджет ва тўлов интизоми ҳам шунчалик юқори даражада, корхонанинг истиқболли ҳам шунчалик равшан бўлади. "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижросига парламент томонидан алоҳида эътибор қаратилишининг босиси ҳам шу тўғрисида.

Ҳисобот даврида Давлат бюджетининг харажатлар қисмида асосий эътибор унинг ижтимоий йўналтирилганлигига, биринчи даражали тўловларни ўз вақтида молиялаштиришга, бюджет маблағларининг газна ижросини таъминлашга, уларнинг самардорлигини оширишга, шу билан бир қаторда инвестиция дастури харажатларини бюджетдан молиялаштиришни оптималлаштиришга қаратилганлигини алоҳида эътибор этиш лозим.

2010 йилнинг биринчи ярим йиллигида Давлат бюджети харажатлари 6 триллион сўмдан ортқ бўлди, шу жумладан унинг 60,7 фоизи ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тадбирларига йўналтирилган бўлса, иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш – 10,1 фоизни, марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари – 5,8 фоизни, давлат ҳокимияти, бошқарув органлари ва суд орган-

ларини сақлаш харажатлари – 2,7 фоизни ташкил этган.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури тадбирларини амалга ошириш учун жами 2010 йил биринчи ярим йиллигида 4,2 триллион сўм ва 79 миллион доллар миқдорда маблағлар йўналтирилди. Бу борада қўрилган чоралар натижасида ёшлар учун 282,8 мингта янги иш ўрни яратилди, ёш оилаларга қиймати 55,5 млрд. сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди.

Ҳисобот муҳокамаси даврида парламентдаги партияимизнинг фракцияси аъзолари томонидан халқимизнинг кўп асрлик маънавий-ахлоқий қадриятларини тиклаш ва сақлашда, ёш авлоднинг ватанпарварлик, мустақиллик ва демократия гояларига содиқлик руҳида тарбиялашда катта роль ўйнаши маданият уйлари ва саройлари, музейлар, театрлар, кутубхоналар, бошқа маънавий-маърифий соҳа муассасаларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиш муҳимлиги таъкидланди.

Таълим, фан ва кадрлар тайёрлаш муассасаларининг ўз вақтида маблағ билан таъминланиши масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Халқ таълими муассасаларини молиялаштириш харажатлари 1 600 млрд. сўмин ташкил этди. Бу борада умумий таълим мактабларининг кам таъминланган оилалардан бўлган ўқувчиларини қийим-кечак, биринчи синф ўқувчиларини эса, ўқув анжомлари билан бепул таъминлаш учун ҳисобот даврида 17,4 млрд. сўм ажратилди. Таълим муассасалари ва болалар спорт объектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув-усlubий адабийётларни такомиллаштириш бўйича ишлар давом эттирилди.

Оқорида қайд этилган кўрсаткичга эришиш учун мамлакатимиздаги таълим тизимини тубдан ислох қилиш, бу борадаги замонавий ютуқ ва тажрибаларни жорий этиш мақсадида Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва Мактаб таълиминини ривожлантириш Давлат умумий таълим дастури қабул қилинди.

Бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ, мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида қўйилган вазифаларни амалга оширишнинг асосий юки давлат зиммасидадир. Дастурни бажаришда бош ислохотчи сифатида давлатимизнинг ўзи катта масъулиятни ўз зиммасига олапти. Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек: "Биз танлаган тараққиёт йўлининг таркибий қисмига, аниқроқ айтганда бўлса, келажакимизнинг мустақам пойдевориغا айланиб бораётган таълим соҳасидаги буюк дастурларимизни ўз вақтида, узоқни қўзлаб ишлаб чиққанимиз ва амалга оширганимиз нақадар тўғри бўлганини бугун мамлакатимиз эришган юксак марра ва натижага эътибор қилиш лозим".

Кейинги йилларда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва 2004–2009 йилларда Мактаб таълиминини ривожлантириш давлат умумий таълим дастурини амалга ошириш доирасида республикада давлат таълим стандартлари, умумий ўрта таълим ўқув режалари ва дастурлари такомиллаштирилди, уларга мувофиқ замон талабларига мос келадиган янги дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этилмоқда. Умумтаълим мактаблари учун

дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни молиявий маблағларни бирлаштириш йўли билан бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан чоп этиш, етказиб бериш ва сотишнинг барқарор ҳамда узлуксиз молиялаштирилишини таъминлаш, шунингдек, улардан мақсадли фойдаланишни самарали бошқариш ва амалда назорат қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Республика мақсадли китоб жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-363-сонли Қарори эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Умумтаълим мактабларининг педагоглар жамоатчилиги ва ўқувчиларнинг ота-оналари қўмиталарининг таклифлари асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармаси ташкил этилди.

Давлат бюджетидан молиялаштиришни ташкил этиш йўналишида ҳам ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Жон бошига қараб молиялаштириш тизимига ўтиш ишлари бугунги кунда тажрибага тортилган вилоятлар доирасидан чиқиб, бутун республика таълим муассасаларига ёйилди, лекин жойларда бу тизимнинг ҳақиқатдаги афзалликларини, унинг ишлаш принципларини яхши билмайдиган кадрларга эҳтиёж сезилмоқда. Бу ҳолат соҳага мутахассис тайёрловчи олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг ўқув дастурларини қайта кўриб чиқиш, давр талабларига мос равишда модернизация қилишни талаб этади.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш жараёнларини жаддаллаштириш, ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, юртимизда ишлаб чиқарилган рақобатбардош маҳсулотлар экспортини кенгайтириш орқали ташқи бозорларда мамлакатимиз позициясини мустаҳкамлаш, шунингдек, қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ҳамда баркамол авлодни тарбиялаш учун барча зарур шароитларни яратишга қаратилган чораларни амалга оширишни давом эттириш ва чуқурлаштириш мамлакатимиз иқтисодиётини янада барқарор ривожлантириш муҳимини бермоқда. Бу эса ўз навбатида бюджет даромадларини тўлиқ шаклланишига ва харажатларни ўз вақтида амалга оширишга имкон яратмоқда.

Депутатлар томонидан ҳисобот даврида бир қатор бюджет муассасаларида маблағларнинг мақсадсиз сарфланиши, бюджет ва тўлов интизомига риоя этилмаганлиги, маблағларни ноқонуний ишлатилиши билан боғлиқ молиявий ҳуқуқбузарликлар ҳали ҳам мавжудлиги, булар "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги ва "Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг талаблари тўлиқ бажарилмаётганлиги оқибатида рўй бераётганлиги таъкидланди.

Йиғилишда қизғин кечган баҳс-мунозараларда депутатлар бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини баён этиб, бу борадаги ишларни янада жонлантириш юзасидан амалий таклифларни билдирдилар. Жумладан, депутатлар томонидан бюджетдан маблағ олувчи вазирлик ва идоралар ўз тасарруфидаги ташкилотларнинг молиявий фаолиятини мониторинг ва назорат қилишни замон талаблари даражасига кўтариши ҳамда маҳаллий ҳокимликлар, Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари ушбу масалаларга масъулият билан ёндашишлари лозимлиги алоҳида эътироф этилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, Давлат бюджети — давлатимиз иқтисодий сиёсатини белгиловчи асосий молиявий ҳужжат бўлиб, у иқтисодни тартибга солишга, ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсишини таъминлашга, ижтимоий ҳимояни қўнайтиришга ва халқимиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади.

АНЖУМАН

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, Конституциявий, Олий ҳақда Олий ҳўжалик суди, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институти, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги ҳамда Адвокатлар палатаси вакиллари, юридик ва бошқа илмий тадқиқот институтлари профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

## Ислохотлар самараси

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан "Суд-ҳуқуқ ислохотлари: ҳозирги ҳолати ва истиқболлари" мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди

Анжуман қатнашчилари томонидан мамлакатимизда суд ишининг ҳар қандай босқичида фуқароларга малакали юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатура институтини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ишларга баҳо берилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида Адвокатура институтини қайта ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони илмий-амалий анжуманнинг илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Одил судловни амалга оширишда қонунийликни таъминлаш, судлар фаолиятига аралашшига ҳамда ғайриқонуний суд қарорлари чиқарилишига йўл қўймаслик мақсадида Олий суд ҳузурида Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либе-



раллаштириш ҳамда суд тизими мустаҳкамлигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ташкил этилганлигининг ўзи суд-ҳуқуқ ислохотларининг демократлашувиغا сабаб бўлди.

Суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш борасида олиб борилаётган амалий ишлар натижаси Ўзбекистон танлаган демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан қатъият билан амалга оширилаётганидан далолатдир. Бу эса суд ҳокимиятининг мустақиллиги, эркинлиги ва нуфузини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

ХУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ

## Мустақиллик —

## ҳуқуқ демакдир

"Баркамол авлод йили" Давлат дастурида ёшларнинг тарбиясига аҳамият бериш уларнинг дунёқарашини кенгайтириш, ҳуқуқий саводхонлигини оширишга оид вазифалар белгиланган бўлиб, бу борада ўтказилаётган илмий-амалий анжуманлар, давра суҳбатлари муҳим ўрин тутмоқда.

Адлия вазирлиги ҳузуридаги ҳуқуқий тарғибот гуруҳи ташаббуси билан Тошкент Ислам университетида "Мустақиллик бу — ҳуқуқ" мавзусидаги давра суҳбати ҳам айнан шу мақсадда ўтказилди. Тадбирда мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари ва бу борада яратилган ҳуқуқий асосларга, жумладан, Конституцияимизнинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилди. Юртимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида кенг қўламли ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилгани, миллий қонунчилик тизимини тубдан янгилангани ва бу ижобий ўзгаришларнинг бугунги кунда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари дахлсизлигини таъминлаш, унинг қонуний манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилаётгани таъкидланди. Шунингдек, тадбирда қонунлар ижроси юзаси-

дан амалга оширилаётган ишлар, вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш профилактикаси тўғрисида ҳам маълумотлар берилди.

Давра суҳбатида ёшларнинг аждодларга муносиб ворислар бўлиб вояга етишида маънавиятнинг ўрни бекиёслиги таъкидланди. Жумладан, Юртошимизнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" номли китобида долзарб масалалар кўтарилгани, чуқур таҳлилларда ҳолислик ва адолат таъминланишига амал қилингани, инсон камолотида муҳим ўрин тутувчи омиллар аниқ кўрсатиб берилгани боис нафақат зиёлилар ўртасида, балки ўқувчи-талабалар орасида ҳам катта қизиқиш уйғотаётгани таъкидланди.

Тадбирда университетнинг уч юздан ортқ талабалари ва профессор-ўқитувчилари қатнашди.

ЯНГИ ИМКОНИАТ

## Кўргазма бўлиб ўтди

Тошкентда O'ZBEKINPRINT (полиграфия, ноширлик иши, қоғоз ва канцелярия маҳсулотлари), O'ZUPACK (идишлар, қадоклаш ва ёрликлар) ҳамда O'ZREKLAMA (реклама, дизайн, сурат) 12 халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.

Кўргазмада 70 дан зиёд миллий ва 10 дан зиёд хорижий компаниялар янги ускуналар, материал ва технологияларни намойиш қилишди. Мазкур кўргазмани ташкил этишдан мақсад ноширлик-полиграфия фаолияти, реклама бизнеси, шунингдек, ёрлик ва қадок идишлари ишлаб чиқариш билан шуғулланув-

чилар ўртасида шартномалар тузиш, замон талаблари даражасидаги маҳсулотларни тайёрлашда тажриба алмашишдир.

Бу галги кўргазма экспонатлари нафақат реклама маълумоти, балки нашрнинг намуналари билан бойитилган. Шунингдек, иштирокчилар нашр иши ва унга беэақ бериш борасидаги ўз имкониятларини кўргазмали тарзда намойиш этишди.

Кўргазмада намойиш этилаётган технологик ютуқлар, инновацион лойиҳалар, материаллар ва ускуналар турли мамлакатлар мутахассислари ўртасида манфаатли ҳамкорликнинг ривожланишига янги имкониятлар яратади, замонавий технологияларни жорий этишга ёрдам беради.

«Туркистон-пресс»

# МАЪНАВИЯТ

КАДРИЯТ

## Эъзоз топаётган хунармандлар

халқимизнинг бой ва бебаҳо миллий қадриятлари, эзгу анъаналарини давом эттирмоқда



(Давоми. Боши 1-бетда)

Бежизга ватанимизни хунармандлар юрти дейишмайди. Боиси наққошлик, қулолчилик, зардўзлик, кандакорлик, мисгарлик, ўймакорлик сингари халқ амалий санъати турлари юртимизда қадим замонлардан юксак даражада ривожланиб келган. Ўзбек хунармандлари ясаган буюмлар азалдан ранг-баранглиги, бетакрор ва жозибдорлиги билан бошқа халқларни ҳам ўзига мафтун қилган, жуда машҳур бўлган.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб асрлар давомида аждодларимиз томонидан эъзозлаб келинган ва маданиятимизнинг ажралмас қисми бўлган хунармандчилик анъаналарини тиклаш, ривожлантириш, уста ва хунармандлар меҳнатини муносиб рағбатлантириш ҳамда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Жойларда "Уста-шоғирд" мактаблари ташкил этилиб, ёшларга миллий хунарларни ўргатиш йўлга қўйилди.

Президентимизнинг 1997 йилда қабул қилинган "Халқ амалий санъати ва бадиий хунармандчиликни ривожлантиришнинг давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармониغا мувофиқ Республика "Хунарманд" уюшмаси ташкил этилиши эса соҳа ривожидида муҳим аҳамият касб этди. Уюшма ўз олдига халқ усталари ва хунармандларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, зарур хомашё, асбоб-ускуналар билан таъминлаш, улар ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотишга ёрдам бериш, мамлакатимиз ва хорижда халқ хунармандлари тайёрлаган маҳсулотларни кенг тарғиб қилиш каби мақсадларни қўйган. Олинган маълумотларга кўра, мазкур уюшма таркибига 20000 дан ортиқ хунарманд бириккан бўлиб, улар 33 йўналишда 1000 дан зиёд маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз уста-хунармандлари қулолчилик, ёғоч, ганч ўймакорлиги, мисгарлик, миллий каштачилик, кандакорлик, заргарлик, тоштарошлик, сандикчилик, бешикчилик, тўқима, чинни буюмлар ишлаш, ип ва шойи матолар тўқиш сингари хунармандчилик турлари билан шуғулланмоқда. Аҳамиятисиз шундаки, уста-хунармандлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тури ва ҳажми кундан-кунга ортиб бораётди.

Айниқса, Президентимизнинг шу йил 30 мартда қабул қилинган "Халқ бадиий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони хунарманд ахлини бирдек қувонтирди. Унга мувофиқ халқ хунармандлари яна икки йилга солиқ тўловларидан озод этилди. Бу эса уларнинг моддий жиҳатдан оёққа туриб олишига имкон беради.

– Хунармандларга 36,3 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди, – дейди Республика "Хунарманд" уюшмаси маркетинг бўлими бошлиғи

Доно Абдуллаева. – Бундан ташқари уюшмада 458 та касаначилик иш ўрни яратилиб, уларга 30 млн. 346 минг сўмлик хомашё етказиб берилди. Ҳукуматимизнинг қўллаб-қувватлашидан руҳланган хунармандлар янада сифатли, харидорбоп, юксак дизайнга эга санъат асарларини яратмоқда.

Бугунги кунда уюшма томонидан Жиззах, Самарқанд вилояти, Марғилон шаҳри ва Чиноз туманида "Хунармандлар" марказлари ташкил этилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Андижон шаҳрида мусиқа асбоблари ясовчи усталар учун эса устахона қурилиб, ҳозирда бу ерда 70 дан зиёд хунарманд ишлаяпти.

Шунингдек, уюшма томонидан халқимизнинг бир неча минг йиллик бой ва бебаҳо миллий қадриятларини қайта тиклаш ва эзгу анъаналаримизни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Марғилонлик хунармандлар энг қадимги матоларимиздан ҳисобланган Банорас, адрасларнинг ун-тилиб кетган Кудин турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Буюк Соҳибқирон бобомини Амир Темур давридаги сипоҳларнинг тағига тўшалган гилам нусхаси ҳам фарғоналик хунармандлар томонидан қайта яратилди. Бундан ташқари Бойсун хунармандлари ипақдан тўқиладиган Ғажари бўжма, Сурхондарё Ироқи дўппилари, Шофиркон ва Нурота каштачилари мактабда узок тарихга эга бўлган кашталар, Бухоролик хунармандлар зардўзчиликнинг шакардўзи, ишти ҳарам, чашми булбул, ситидўзи, Ғиждудон усталари томонидан заргарликнинг филигран, куйма, иссиқ эмал ва босма турлари, темирчиликнинг дамас пўлоти, қуроқдўзлик санъатида уй-рўзгор буюмлари тикиш йўлга қўйилди.

Мамлакатимиз хунармандларининг миллий қадриятларимизни қайта тиклаш ва ривожлантириш, анъаналаримизни ўсиб келаётган ёш авлодга етказиш ҳамда уларни аждодларимиз меросига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига қўшаётган ҳиссалари муносиб баҳоланмоқда. Уюшма усталари ҳар йили ўтказиладиган "Ташаббус", "Базар-Арт", "Асрлар садоси", "Ёш ижодкорлар", "Уста-шоғирд", "Қўли гулдор ўзбек аёли", "Ўзбекистон халқ амалий санъати дунёни нигоҳида", "Мустақиллик нафасида камол топган хунармандлар", "Халқ истеъмол товарлари кўргазма-савдоси" каби қатор кўрик-танлов ва кўргазмаларда фаол иштирок этмоқда.

### УСТА – ШОГИРД АНЪАНАЛАРИ

Буй йилги "Ташаббус-2010" кўрик-танловида тошкентлик уста Камолдин Раҳимов ёғоч ўймакорлиги бўйича иштирок этиб, ғолиб бўлди. Шунингдек, Германия, Франция, Туркия, Россия каби давлатларда бўлиб ўтган халқаро кўргазмаларда қарийб мингдан ортиқ хунармандларимиз иштирок этиб ўз маҳсулотларини намойиш этди.

Бугунги кунда ёш йигит-қизлари-

мизнинг аждодларимиз турмушида муҳим ўрин тутган халқ хунармандчилигига бўлган қизиқиши ортиб бораётгани қувонарлидир. Зеро, бу соҳа ўз анъаналарини авлоддан-авлодга ўтиши билан тирик. Бунда ҳаётга изчил татбиқ этилаётган "Уста-шоғирд" дастури муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам ўз сайловолди Ҳаракат дастурида белгиланган ушбу халқ хунармандчилигига хос бўлган "Устоз – шоғирд" анъанавий мураббийлик институтини сақлаган ҳолда бу соҳани янада ривожлантириш учун шароитлар яратилишига кўмаклашиш каби мақсадлар йўлида изчил чора-тадбирлар, амалий саъй-ҳаракатлар олиб бораётганини таъкидлаб ўтиш ўринли. Партиянинг жойлардаги ҳудудий ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлар гуруҳлари ўзМТДП электорати ҳисобланган уста-хунармандлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган амалий ва тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтирмоқда. Айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида ташкил этилаётган "Устоз-шоғирд" мактаби асосидаги ўқув-машғулотлар хунармандлар сафини кенгайтириш билан бирга ушбу миллий қадриятларимизнинг давомийлигини таъминламоқда. Бу борада Республика "Хунарманд" уюшмаси томонидан ҳам амалга оширилаётган тадбирларга эътибор қаратадиган бўлсак, қуйидагилар намоян бўлади.

– Баркамол авлод йили Давлат дастурида Республика "Хунарманд" уюшмаси зиммасига миллий маънавий қадриятларимизни ёшлар онгига сингдириш, улар қалбиди қадимий ва бой тарихимиз, бебаҳо меросимизга меҳр-муҳаббат уйғотиш, истеъдодини намойиш қилиш вазифаси юклатилган, дейди Республика "Хунарманд" уюшмаси кадрлар бошқармаси бошлиғи Лутфия Мирзаева. – Давлат дастурини таъминлаш мақсадида республика бўйича "Хунарманд" уюшмасининг бошқармалари ва бўлимларида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган хунармандчилик анъаналарини давом эттириш мақсадида барча шаҳар ва туманларда 500 га яқин "Уста – шоғирд" мактаблари ташкил қилинди ва уларда 1550 нафар ёшлар ўқутилмоқда. Биргина Сирдарё вилоятида бугунги кунда 47 та "Уста – шоғирд" мактаби ташкил қилиниб, 235 нафар ўғил-қиз халқ хунармандчилигининг 20 га яқин турларини ўрганишмоқда.

Албатта, ҳар бир соҳада юксак эътибор ва астойдил меҳнат воситасида қутилган натижага эришиш мумкин. Мустақиллик шарофати билан доимий равишда қўллаб-қувватланаётган қадриятларимиз давомчилари миллий хунармандчилигимиз шухратини дунёга танитиши шубҳасиз.

Камолдин ҲОТАМОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

## МУЛОҲАЗА, МУНОЗАРА, ТАКЛИФ

# Реклама: ҳам манфаатга, ҳам маънавиятга хизмат қилсин

ёшларнинг турли роликларга берилиб кетмаслиги оила муҳити билан боғлиқ

Аниқ, ишончли, рекламадан фойдаланувчига маънавий зарар етказмайдиган шакл ва воситалардан фойдаланиш рекламага оид қонунчиликнинг асосий талабларидир.

Реклама. Сиз уни кўришингиз, эшитиш ва ўқийшингиз мумкин. Қизиқарли роликлардан ташкил топган реклама информация манбаи, айримлар уни ҳақиқатни баён қилувчи ёлғон маълумот сифатида ҳам талқин этишади. Нима бўлганда ҳам бугун турмушимизни рекламасиз тасаввур этолмаймиз. Реклама ихтимойи ҳаётимизнинг барча соҳаларига кириб келди. Албатта, халқимизнинг бой тарихий меросини, қадрият ва анъаналарини, юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни реклама қилишимиз зарур ва бу табиий жараёндир.

### ТАНГАНИНГ ИККИНЧИ ТОМОНИ

реклама ёшлар онгига қандай таъсир ўтказиши?

Бу бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири саналади. Зеро, оққорани танганг томошабин рекламани фарқлай олиши мумкин. Лекин ойнаи жаҳон қаршида бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ҳайрат кўзи билан қарайдиган, кўрган ва эшитганини тўғри, қабул қиладиган болалар ва ўсмирларга таъсири юқори.

### Фароғат ҲАМИДОВА, ўқитувчи (Тошкент шаҳри):

– Бундан бир неча йил олдин, ёшларга реклама бўйсуниб қолганди. Одамлар маҳсулотнинг рекламасига қараб истеъмол қиларди. Ҳаттоки, шифокор қабулига борсанг ҳам рекламалардаги доридан қабул қилишни маслаҳат беради. Вақт ўтиши билан оммада реклама қилинган айрим маҳсулотга бўлган ишончсизлик пайдо бўлгани ҳам бор гап, аммо бошқа тарафдан ўсмир болалар рекламанинг таъсирига учраётгани тавфиқлиқ. Масалан, 8-9 синф ўқувчиларимизга "Алкоголь ичимликларини, тамаки ва наркотик маҳсулотларининг зарари" мавзусида дарс ўтилганида улар биринчи бўлиб, "Устоз фалон пиво ҳам зарарлими? Ахир рекламада махташадими-ку", дейишганига ҳайрон бўлардим. Бундан англашадиги, болаларга рекламанинг таъсири ўтган.

### Наима КАРИМОВА, Тошкент банк коллежи ўқитувчиси:

– Яқинда қўшимизнинг мактаб

спиртли ичимликларни реклама қилиш таъқиқлаб қўйилди. Хусусан, Бавария федерал ерида ушбу қондан бузганлар энг қаттиқ маъмурий жазога тортилади. Араб давлатлари ичиди Мисрда ҳам бу иллат кенг тарқалган. Шунинча 2010 йил июни ойидан эътиборан барча давлат муассасаларида тамаки чекиш қатъиян ман этилди. Маълумотларга кўра, мамлакатда йилга ўртача 19 миллиард донагача сигарета чекилар экан.

### Фароғат ҲАМИДОВА, ўқитувчи (Тошкент шаҳри):

– Бундан бир неча йил олдин, ёшларга реклама бўйсуниб қолганди. Одамлар маҳсулотнинг рекламасига қараб истеъмол қиларди. Ҳаттоки, шифокор қабулига борсанг ҳам рекламалардаги доридан қабул қилишни маслаҳат беради. Вақт ўтиши билан оммада реклама қилинган айрим маҳсулотга бўлган ишончсизлик пайдо бўлгани ҳам бор гап, аммо бошқа тарафдан ўсмир болалар рекламанинг таъсирига учраётгани тавфиқлиқ. Масалан, 8-9 синф ўқувчиларимизга "Алкоголь ичимликларини, тамаки ва наркотик маҳсулотларининг зарари" мавзусида дарс ўтилганида улар биринчи бўлиб, "Устоз фалон пиво ҳам зарарлими? Ахир рекламада махташадими-ку", дейишганига ҳайрон бўлардим. Бундан англашадиги, болаларга рекламанинг таъсири ўтган.

### Наима КАРИМОВА, Тошкент банк коллежи ўқитувчиси:

– Яқинда қўшимизнинг мактаб

Тадқиқотларга кўра, америкалик уч ёшли бола 100 га яқин савдо-тижорат белгиларини билади. Америкалик ўсмир замонавий кийим-кечаклар учун ҳар йили 1,4 минг доллар сарфлайди. Деярли барча компанияларнинг стратегияси болалар психологияси билан боғлиқ. Texas A&M University да маркетинг бўлим профессори Жеймс Мак Нилнинг таъкидлашича, реклама ишлаб чиқарувчилари ва бозорнинг болаларга қизиқиши уч сабабдан иборат: биринчидан, у ўз пулига эга ва уни қўпичча рекламага бўйсуниб сарфлайди; иккинчидан, у нима сотиб олиш кераклиги ҳақида ўз сўзини отанасига ўткази олади ва ниҳоят, учинчидан, болалигида кўрган рекламалари сабабли улар катта бўлганларча талаблари ва одадлари шаклланиб улғуради.

### Дилфуза РЎЗИЕВА, "Milliy tiklanish" мухбири

### ТУХФА

Андижоннинг Пахтабод туманида "Болалар ижодиёт маркази" биноси фойдаланишга топширилди.

### Болаларга топширилди

Туман ҳокимлиги ва маҳаллий тадбиркорларнинг сайё-ҳаракати билан собиқ пахтадан қайта ишловчи корхонанинг маъмурий биноси капитал таъмирланиб болажонлар ихтиёрига ҳавола этилди. Марказда болалар шуғулланиши ва касб-ҳунар ўрганиши учун барча шароит яратилган. Қолаверса, бинода икки юз кишига мўлжалланган концерт зали ҳам мавжуд.

Ҳозирда марказда мингдан зиёд мактаб ўқувчилари тикиш-бичиш, халқ амалий санъати, рассомчилик, адабиёт каби ўнлаб тўғарақларга жалб этилган.

– Марказнинг янги биноси иқтидорли болаларимиз учун улкан туҳфа бўлди, дейди туман халқ таълими бўлими мудири Садрдин Абдуллаев. – Иқтидорли ёшларимиз шу кунгача ҳам вилоят ва республика миқёсидаги кўрик-танловларда салмоқли натижаларни қўлга кириштириб келишадиган эди. Жумладан, марказимиз ёшлари "Светофор" танловининг республика босқичида биринчи ўринга, "Ёш рассом" тўғараги аъзоси Шахло Зокирова эса республика ёш рассомлари танловида иккинчи ўринга сазовор бўлди. Янги ижодиёт маркази эса бу муваффақиятларни янада мустаҳкамлашга замин яратди.

"Туркистон-пресс"

### ЯКУН

## Китобхонлар мамнун

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "Мутолаа байрами – 2010" тадбирининг ёпилиш маросими бўлиб ўтди.

Кўплаб анжуман, учрашув ва давра сўхбатларини эшида жамланган мазкур мутолаа байрами китобхонларда катта таассурот қолдирди. Хусусан, китоб (жумладан, электрон китоб), дарсликлар, журналлар, илмий-оммабоп адабиётлар, маълумотлар базаларининг тақдими, очик эшиклар кўни, адабиётлар кўргазмаси, соҳага оид семинар-тренинглар, шоир ва ёзувчилар билан учрашувларни мисол келтириш мумкин.

Тадбирнинг ёпилиш маросимида китоб инсон маънавиятининг энг нозик қирраларини очиб беришда, жамиятда шахс сифатида камол топишида муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд этилди. Тафаккур чархи саналмиш китоб билан ошно бўлишда кутубхоналарнинг ўрни каттадир. Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур мутолаа байрами ҳам айниқса, ёшларни китоб мутолаа қилиши, янги манбалар билан яқиндан танишишларида кенг имконият ва шарт-шароитлар яратиб берди.

Айтиш жоизки, ушбу тадбир давомида ёш китобхонлар нафақат мутолаа маданиятини ўрганиш, тахлил қилиш, балки янги ахборот технологиялари фойдаланиш ва маълумот олишни замонавий усуллари билан ҳам танишишди.

–Китобхонларга намунали хизмат кўрсатиш асосий вазифамиз, – дейди Китобхонларга хизмат кўрсатиш бўлими мудири Умида Тешабоева. – Ушбу тадбир давомида қатор қизиқарли учрашувлар ўтказилди. Бунда ёш китобхонларнинг фаол иштирок этишлари бизни қувонтирди. Кутубхона ходимларининг барчасини келиб-кетаётган китобхонларнинг қўлиги доимо хурсанд қилади. Чунки бу даргоҳ ёшларга зиё улашади.

Тадбир сўнггида "Мутолаа байрами – 2010"да фаол иштирок этган кутубхона ходимлари ҳамда иштирокчилардан бир гуруҳи тақдирланди.

Сурайё МЕЛИҚУЛОВА

# ЖАРАЁН

## ИНСОН ВА ТАБИАТ

# Саройқўрғон

## ДАВЛАТ ДАСТУРИ — АМАЛДА

# Соғлом фарзанд — юрт келажяги

Юртимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишга ва она-бола саломатлигини муҳофаза этишга катта эътибор қаратилмоқда.

Бу борада мамлакатимиз Президентининг "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони, "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлоднинг шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самардорликни ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарорлари муҳим аҳамият касб этапти. Юртимизда мазкур ҳужжатлар ижросини таъминлаш ва аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш борасида кенг қўлдан ишлар амалга оширилмоқда.

Сирдарё вилоятида тиббиёт соҳасини ислох қилиш, туманлардаги қишлоқ шифохоналарининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида бир қатор ибратли ишлар бажарилмоқда. Қишлоқ шифохоналарининг асосий фонди "Саломатлик-1",

лексида коммуникация тизимлари ҳам яхши йўлга қўйилди.

Электр энергияси, узлуксиз иссиқ ва совуқ сув таъминоти намунали даражада ташкил этилди. Қўшган давр давомида тумандаги 9 та қишлоқ шифохоналари "Саломатлик-1" лойиҳаси доирасида тўлиқ замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди.

Она ва болаликни муҳофаза этиш, соғлом оилани камол топтириш асосий устувор вазифага айланган. Ёш оилалар иштирокда янги туғилган чақалоқларни ва эмизикли болаларни парвартириш, уларни овқатлантириш, она сутининг аҳамияти ҳақида мутахассис шифокорлар томонидан олиб борилаётган тарғибот ишлари ўз самарасини бермоқда. Соғлом оилани шакллантиришда ёшларни никоҳга тиббий кўриқдан ўтказиш муҳим аҳамиятга эга. Шуни эътиборга олган ҳолда оила қураётган ёшларнинг барчаси тиббий кўриқдан ўтказилмоқда.

Бўлимимиз ҳузурида ёш йигит-қизларни оила қуришга тайёрлаш ўқув kursi ташкил этилган, - дейди биз билан суҳбатда туман ФХДБ бўлими мудири Гулямдод Ёдгоров. Ёшларга малакали тиббиёт мутахассислари ва ҳуқуқшунослар, махалла фаоллари томонидан қимматли маслаҳатлар бериб борилапти.

Туманда соғлом оилани шакллантириш, баркамол авлодни дунёга келтириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу хайрли ишлардан қўланган мақсад юқорида қайд этилган Фармон ҳамда қарорлар ижросини тўлиқ таъминлаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилган ҳолда юртимизнинг келажягини бунёд этишдир. Юрт келажяги эса ўғил-қизларимизнинг ҳам жисмонан ҳам маънан соғлом бўлиб камол топишларига боғлиқдир.

**А.НОРКУЛОВ,**  
**"Milliy tiklanish" мухбири**

## чўл бағридаги ям-яшил гўшага айланмоқда

Мамлакатимизда Экологик ҳаракат ташкил этилгани, улар учун Олий Мажлис Қонунчилик палатасидан 15 та депутатлик ўрни ажратилгани бежиз эмас. Чунки, Ўзбекистон табиати собиқ совет тузуми даврида ҳадсиз зарар кўрди. Табиат устидан ҳукмимизни ўтказамиз, деган телбанамо сиёсат айнан ана шу ўлка заминида синаб кўрилди. Оқибатда дарёларимиз ариқларга айланиб қолди, Орол денгизи Амударё ва Сирдарёдек ҳаёт манбаларидан жудо бўлди. Эндликда ундан денгиз деган ном қолган, холос.



**Ориф ХОЛИКУЛОВ,**  
**"Milliy tiklanish" мухбири**

## Анъаналар давом этади

Истиқлол йилларида халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъатининг барча турлари каби пичоқчилик ҳам умрбоқий қадриятлар қаторида қайта тикланди ва изчил ривожланмоқда.

Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида бу ҳунарнинг ўзига хос анъанавий мактаблари шаклланди. Чўст пичоқчи-ҳунармандларнинг меҳнат маҳсули — юзига зарҳал ҳарфлар билан "Чўст", "Соғфа", "Эсдаллик учун" деган ёзувлар нақш этилган бежирим пичоқлари юртимизнинг барча жойларида, хорижликларнинг юртимиздан олиб кетаётган эсдалик совгалари орасида учратиш мумкин.

Қаҳҳоржон Абдуғафоров ўттиз йилдан кўпроқ Чўст миллий пичоқлар қорхонасида ишлади. У хусусий тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб, Республика "Хунарданд" уюшмасига аъзо бўлди. Шогирдлари Иброҳимжон ва Муроджон Мирзараҳматов, Қобилжон Мўминов, ўғиллари Қайумжон, Дилмурод, Жаҳонгирни ёнига олиб, ота-боболаридан қолган темирчилик усулида пичоқ тайёрлашни йўлга қўйди.

— Ҳақиқий пичоқ қора кўмир чўғида қиздирилиб, болга зарбини еган пўлатдан тайёрланади, — дейди Қаҳҳоржон ака. — Пичоқнинг сифати ҳам, баҳоси ҳам асли ана шунга боғлиқ. — Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 30 мартда қабул қилинган "Халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони миллий қадриятларимизни эъзозлаш, ривожлантириш, келгуси авлодларга етказиш йўлидаги юксак эътиборнинг, уста-ҳунармандларга кўрсатилаётган улкан ғам-хўрлиқнинг ёрқин ифодаси бўлди. — Бундай имкониятлардан самарали фойдаланиб, миллий ҳунармандчилигимизни янада ривожлантиришга, ёшларимизда ота-боболардан мерос ҳунарларга қизиқиш уйғотишга, эзгу анъаналарни муносиб давом эттиришга ҳаракат қилишимиз.

Қора пўлат, оқ пўлатдан ясалган тигларни ойнадай силқиб пардозлаш, уларга "ислирий", "бахор лоласи", "пахта гули" номли нақшлар ўйиш, суяк, шох, мугуз, қахрабо каби ноёб ашёлардан дасталар ясаш... Буларнинг бари кишига ўзгача завқ-шавқ бағишлайди. Энг оддий пичоқни тайёрлаш учун ҳам икки-уч кун тер тўкиб ишлашга тўғри келади. Бежирим пичоқни қўлга олар экансиз, ўз кўлингиз билан ясаган бу буюм ардоқли совға сифатида кимнидир ҳушуд этишини ўйлаб, чарчогингиз чиқиб кетади.

Бугун Қаҳҳоржон Абдуғафоровнинг устахонасида "нилуфар", "чамандаста", "этикча", "бургуттумшук" каби ўн саккиз турдаги миллий пичоқлар, "илопнўсти", "қохлама", "самурай" сингари уч турдаги қиличлар ясалмоқда. Уста Марғилон шахрининг 2000 йиллик юбилейи муносабати билан ташкил этилган кўрик-танловда иккинчи, "Ташаббус — 2009" кўриктанловининг республика босқичида учинчи ўринни эгаллади.

**Акрамжон САТТОРОВ,**  
**ЎЗА мухбири**

## ФАОЛИЯТ

Бугунги кунда мамлакатимизда 120 та давлат архив муассасаси, ўн мингдан ортиқ идоровий архив фаолият кўрсатиб келмоқда.

# Соҳа такомиллашмоқда

Миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, тарихимизни холос ва ҳаққоний ўрганиш, буюк аждодлар хотирасига ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим бўгинини ташкил этади. Бу борадаги эзгу ишлар халқимиз, айнакча, ёш авлод маънавиятини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Жамиятнинг тарихий, ижтимоий, илмий, маданий маълумот ва ҳужжатларга бўлган эҳтиёжини таъминлашда архивлар муҳим ўрин тутуди.

Мустақиллик йилларида архив иши — архив ҳужжатларини бўтлаш, ҳисобга олиш, сақлаш, ўтмиш ва бугунни ўрганиш, натижаларни жамоатчиликка етказиш йўлида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда Ўзбекистон Миллий архив фондини шакллантириш, унинг таркибига киритилган ҳужжатларни давлат ҳисобига олиш ва рўйхатдан ўтказиш, бўтлаш ҳамда фойдаланишнинг ягона тартибининг белгиланган босқичида салмоқли натижалар қўлга киритилди.

Мамлакатимизда жорий йилнинг 15 июнидан кучга кирган "Архив иши тўғрисида"ги Қонун архивлар фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган. Ҳозирги кунда юртимизда архив иши ва иш юртишини янада такомиллаштиришга, қимматли ҳужжатлар сақлишини таъминлаш ва улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш устувор вазифалардан ҳисобланади. Архив идораларининг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланган, тизимда электрон ҳужжат айланишининг жорий этилгани, нодир ҳужжатларнинг электрон шакллари ва сўғурта фондлари яратилаётгани илмий излашларда қўлайлик яратмоқда.

Мазкур қонун ижросига бағишланган қатор сазў-ҳаракатлар Тошкент шаҳар Архив иши бошқармаси тизимида ҳам амалга оширилмоқда. Тошкент шаҳар давлат архивида халқ хўжалигининг барча соҳаларидаги ташкилотлар, қорхоналар, муассасалар ва идораларнинг XX аср бошидан ҳозиргача бўлган 580 миң сақлов бирлигидан ортиқ бошқарув ва шахсий келиб чиқиш ҳужжатлари, Идораларро бўжхалик ҳисобидидаги шахсий таркиб ҳужжатлари марказий архивида 30 миң сақлов бирлиги мавжуд.

Айни вақтда Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари идораларининг Тошкент шаҳар миқёсидаги ташкилотларида архив иши ва иш юртишини ташкил этилганлиги мониторинги олиб боришмоқда. Ҳар бир ташкилотда иш ҳужжатларининг юртилиши, йиғмажилдлар номенклатураси жорий этилиши ва идоровий архивнинг асосий қондалари таллаблари асосида ташкил қилиниши ва иш юртилиши юзасидан услубий ҳамда амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Бундан ташқари, "Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг ижроси ҳам архивларда изчил олиб боришмоқда. Тошкент шаҳар давлат архивига мурожаат қилувчи фуқароларнинг сони йил сайин ортиб бораётгани ҳам бунинг ёрқин исботидир. Сўнгги йилларда "Ўртоқ" ҚҚ ОАЖ қандалат фабрикаси, Иброҳимов номидаги "Тошкент чини заводи" ОАЖ, "Тошқўчимаш" ОАЖ, "Тошқўшимаш" ОАЖ, "Ўзбекқўшимаш" ОАЖ, "Тошмармар" МЧЖ ва бошқа йирик ишлаб чиқариш қорхоналарининг тугатилиши муносабати билан архив ҳужжатлари давлат сақливига олинди.

Айни пайтда бу борада қабул қилинаётган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар жойлардаги архив муассасаларининг фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

**Алижон МАҲКАМОВ,**

**Тошкент шаҳар Архив иши бошқармаси бошлиғи**

## ТАЪЛИМ

# Спорт — сиҳат-саломатлик гарови

Маълумки, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, бадантарбия машқлари, шунингдек, пиёда юришни қанда қилмаслик инсон саломатлиги учун фойдалидир. Фаллаорол туманидаги 25-умумтаълим ўрта мактабида ҳам жисмоний тарбия ва спортнинг миллий турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.



Фафур Фулом номли маҳаллада яшовчи тадбиркор Қодир Зоиров ўзи таълим олган шу мактабда бундан бир неча йил муқаддам мактаб маъмурияти билан келишган ҳолда бокс тўрагаги ташкил этиш таклифи билан чиқди. Қисқа вақт ичида 20 нафар ёш боксчи учун зарур спорт анжумлари ва кийим-бошқаб олиб берди. Мурабийликка Шерзод Эшқувватов тайинланди, машғулотлар мунтазам ўтказилиб турилди. Тадбиркорнинг ўзи ҳам бу ерда вақти-вақти билан бўлиб, ўқувчи-ёшларни спортга жалб этиш ва оммалаштириш ишларида фаоллик кўрсатмоқда.

Шу маҳаллада яшовчи меҳнат фахрийси Абдурайим Жонибеков ҳамда ака-ука Шароф ва Карим Аҳмедовлар мактабнинг қишки спорт залини жиҳозлаш ҳамда бошқа таъмирлаш ишларида бошқаб бўлишди. Саховатли бу инсонлар ушбу таълим масканда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, теварак-атрофни ободонлаштириш ва қўлаландорлаштириш ишларида ҳам фаолликни кўлдан бой бермай келяптилар. Ўз маблаглари ҳисобидан мактабга маълум микдорда ёрдам кўрсатишяпти. Бундай олийҳиммат, саховатли инсонларни янада кўплаб келтириш мумкин.

2010-2011 ўқув йилида илмдаргоҳида мана шундай саховатли инсонлар ёрдами билан ўқувчи

ҳиясига ҳурмат ҳиссини ошириш мақсадида суҳбатлар олиб бориламоқда.

Мақтабда ҳар ойда бир маротаба "Спорт" деворий газетасининг ўқиши ва таъсирчан чиқарилишига катта аҳамият бериб келинмоқда. Спорт зали ва майдончалари замон талабига мос қилиб жиҳозланган. Турли стенд, шиор ва кўргазмалар кўринарли жойларда осигилик. Бунда спорт усталлигида номзод, олий маълумотли мутахассис педагог, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг аъзоси Абдуғани Усмоновнинг хизмати катта бўлапти. У спортнинг сиҳат-саломатлик гарови эканлигини ёшларга амалда исботлаб

келаяпти. Айни кунларда илм даргоҳида туманда бўладиган спорт мусобақаларига ҳозирлик қўриш кизгин тус олган. Бунда ЎзМТДП туман кенгаши ҳамда "Камолот" ЁИХ туман бўлимидаги мутасадди ходимларнинг ҳам роли катта бўлмоқда.

Жонқуяр педагог А.Усмоновни ҳар доим спорт формасида машғулот ўтказаятганлигининг гувоҳи бўламиз, — дейди ЎзМТДП Фаллаорол туман кенгаши раиси Азамат Қасқов. — Унинг кўплаб шогирдлари олийгоҳларни тамомлаб вилоятимизда жисмоний тарбия ва спорт бўйича турли ўқув юрларида ёшларга мурабийлик қилишмоқда. Маҳаллада истиқомат қилувчи оилавий спортчиларимиздан Юра Алиқулов, Дилшод Маширов, Илҳом Ҳасанов каби ҳар доим спорт формасида машғулот ўтказаятганлигининг гувоҳи бўламиз. Шунингдек, танники спортчилар ҳаётини ақт эътирувчи альбом ва буклетлар мавжуд. Мамлакатимизнинг давлат рамлари — байроғи, герби ва ма

**Абдулло САИДОВ,**  
**Жиззах вилояти**

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

## БИЗНИНГ ШАРҲ

Сайёрамизда жорий йилги ёз фасли ўтган 100 йилдаги энг иссиқ давр бўлди. Ҳароратнинг кўтарилиши сентябрь, октябрь ойларида ҳам давом этмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, бу ҳолат совуқ минтақаларда бир неча минг йиллардан буён ястаниб ётган музликларни эритиб, улкан айсбергларни вужудга келтирмоқда. Бир неча 100 километрларга чўзилган айсбергларнинг қирғоқларга етиб келиши қийин бўлса-да, кемалар учун катта хавф-хатар тугдирди. Бунини 1912 йил 15 апрелда Атлантика океанида ҳалокатга учраган «Титаник» кемаси мисолида кўришимиз мумкин.

## Улкан айсберглар

совуқ ҳаво оқимини тўсиб қўймоқда



Бехбуд БОТИРОВ, «Milliy tiklanish» шарҳловчиси

Ерда кутб музликлари 47,5 миллион йил илгари вужудга кела бошлаган. Ушунда Арктикада илк муз ороллари пайдо бўлган. Тадқиқотларга кўра, сувга тушиб келаётган куруқлик музликларининг сувнинг гидростатик босими, сув қалқиб, оқимлар, шамол таъсирида синиб, айсберг бўлиб қолади. Муз ҳамда сувнинг зичлигига қараб, айсбергининг 5/6 дан 9/10 гача қисми сув остида бўлади.

Айсбергларнинг «ватани» бу шубҳасиз, сайёрамизнинг энг совуқ минтақалари Арктикада, Канада, Арктика архипелагининг шимолий ороллари, Гренландия қирғоқлари саналади. Биргина Мерц музлиги Арктикада соҳилида худди янги оролдек ястаниб ётибди. У Мельбурндан жанубга 160 км. узоқликкача чўзилган. Олимларнинг айтишича, утдан 2-3 йил давомда кузатишга нисбатан иссиқ об-ҳаво йирик айсбергларнинг ажралиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Айниқса, 2010 йилнинг дастлабки 6 ойи ҳар қачонгидан иссиқ келди. Бу эса Гренландия музликларидан минглаб айсберглар ажралишига олиб келган. Яқинда бу ерда Патерман музлиги «қарамон»да бўлган майдони 260 кв.км.га тенг, улкан айсберг «озодликка чиққан». Саёҳатта чиққан муз «бўлакчаси» сўнгги йилда йилда кузатишга энг катта айсберг бўлиб, майдони 4та Манхэттенга тенглиги айтлимоқда. Ҳозир у Гренландия ва

Канада ўртасида сузиб юрибди. Муаммо шундаки, агар у жанубга томон ҳаракатланса, кемалар қатнови учун жиддий таҳдид солади. Айни пайтда мутахассислар музликда содир бўлган ёриқларни суний йўлдош орқали кузатишмоқда.

Мутахассислар жорий йилнинг февралда Арктикада соҳилида баҳайбат музликдан ажралиб чиққан наватдаги йирик айсберг ҳали-ҳануз ўз «саёҳати»ни давом эттираётгани хавотирга солмоқда.

Айсберг аввалига худди емириляётган тиш-сингари музликка илашиб турган эди, - деди франциялик олим Бенуа Лерессе. - Февралнинг бошида ана шу «тиш узлиб тушди», тўғривоғи, у «узиб ташланди».

1987 йилда қитъадан сузилган В-9В музлиги соҳил ёнидан узалиб, «стоматолог» вазифасини ўтади ва у Мерц музлигига урилиб, айсбергининг ажралишига сабаб бўлди. Зарба туфайли вужудга келган айсберг майдони 2500 кв.км.ни ташкил этади. Австралия томон йўл олаётган музлик икки баробар кичрайган.

Айсберг катталиги дунё океани олдида денгиздан томчидек бўлса-да, унинг ҳажми ва ҳарорати уммондаги сув айланмишига таъсир кўрсатишга қодир. Олимларнинг фикрича, бу муз палласаси туфайли океан оқимлари ўзгариши мумкин. Айсберг ҳозир уммоннинг чуқур совуқ оқимлар вужудга келуви қисмида жой-

лашган. У океанда иссиқлик алмашинувиға салбий таъсир кўрсатиб, иқлимни бир неча ўн йил ўзгариши эҳтимолдан холи эмас. Масалан, австралиялик олим Нил Яннинг фикрича, Люксембургда келадиган музлик зич ва жуда совуқ океан суви вужудга келадиган худудни тўсиб қўйган. Бу эса денгиз оқимларининг йўналишини ўзгариштириб, бу йилги об-ҳавога жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

Айсберглар бугунги иқлим ўзгаришига қай даржада таъсир кўрсатаётгани ҳақида дунё жамоатчилиги турлича, аммо асосли фикрларни илгари суришмоқда. Кузатувчилар фикрига кўра, улкан муз палласалари худудлардаги денгиз ҳаётига салбий таъсир кўрсатиши турган гап. Масалан, Арктикада соҳилида пайдо бўлган айсбергдан пингвинлар зарар кўради, қушлар эса доимий масканларидан учиб кетиши эҳтимол бор.

Баҳорда, - дейди австралиялик олим Нил Янг. - Бу худудда сув ўтлари кўпаяди. Ундан 200-300 км. узоқликда пингвинлар колониялари яшайди. Улар ҳар йил бор ерга келиб озикланишади. Айсберг вужудга келгунга қадар Мерц ярим ороли ўзига хос сув ҳавзасини ҳосил қилган эди. Бу эса сувнинг оқимларига қўшилмасдан совуқлигича сақланиб қолишига хизмат қиларди. Шунингдек, ажралган айсберг Мерц музлиги умрини анча қисқартирди.

Жараёнларни кузатиётган яна бир гуруҳ мутахассислар бу борада бошқача фикрда. Уларнинг таъкидлашича, айсберг туфайли келаси йилларда Европада киш одатдагидан совуқ келиши мумкин. Шунга қарамай, Люксембургдек келадиغان катта муз палласаси сайёрамиз иқлимига жиддий таъсир кўрсата олмайди. Айрим мутахассисларнинг фикрича, Мерц музлиги вақти-вақти билан парчаланиб туриши табиий жараёниги инobatга олинса, айсбергининг иқлимга таъсири билан боғлиқ хабарлар одамларни ваҳимага солишдан бошқа нарса эмас.

Муз палласалари океанда сузиб кичрайиб бораверади. Экватор томон ҳаракат қиларкан, эриб йўқ бўлади. Қолаверса, тарихда бундан ҳам йирик айсберглар

- Айсберг (инг. iceberg, голландча isberg бўлиб, бу сўз скандинавияликлар тилига мансуб), музтоғ – океан, денгиз ва музликка яқин кўллarda сузиб юрвчи ёки саёзликларга ўтиб қолувчи катта муз.
- Айсберг асосан Арктикада, Канада Арктика архипелагининг шимолий ороллари, Гренландия қирғоқларида вужудга келади.
- Агар айсберг кўк рангда бўлса, у 1000 ёш атрофида бўлади.

музликлардан ажралган. Масалан, Беллинсгаузен, Эймери музликларидан узилган айсберглар дунё океанига сингиб кетган. Боз устига айни пайтда музликлар суний йўлдошлар ёрдамида назорат қилинмоқда.

Тарихдан Антарктида музликларидан узунлиги 120, эни 80 км.гача бўлган айсберглар ажралиб чиққанлиги маълум. Улар Люксембургдан ҳам катта бўлганига қарамай, ҳеч қандай табиий офатларни келтириб чиқармаган. Тасманиядаги Антарктика тадқиқот маркази ходими Роб Мэсон куйидаги фикрда:

- Музликлардан айсберглар ажралиши иқлим ўзгаришига тўғридан-тўғри таъсир қилмайди, бу табиий жараён. Қолаверса, айсберг орол эмас, бора-бора эриб кетади.

Бошқа тарафдан айсберглар тобора камайиб бораётган чуқур сув манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Аллақачон уларни «тутиш» ва Ернинг сувсиз худудларига олиб бориш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Айсберглардан фойдаланиши муаммосига қаратилган илк конференция саҳрода жойлашган мамлакат Саудия Арабистони қироли ташаббуси билан ўтказилган. Мутахассисларнинг фикрича, мазкур халқаро конференция тез орада ўз самарасини бериши мумкин. Зеро, саҳрода истиқомат қилаётган аҳоли учун тоза ичимлик суви ҳаводай зарур. Қолаверса, ўтган йиллар давомда кузатилаётган музликларидан ажралган Москвадан 2,5 баробар катта бўлган айсберг совуқ ҳаво оқимига таъсир қилганди. Шунингдек, 7 июлда Гренландиянинг шимолий-ғарбдаги Переман музлигидан узунлиги 70 километрли айсберг бўлинган.

Шу вақтга қадар айсберглардан кўплаб кемалар жабр кўрган бўлса-да, улар орасида энг фожеалиси «Титаник»нинг ҳалокатга учрашидир. Яна икки йилдан сўнг «Лондон-2012» ёзги олимпиадасидан олдин Британия расмийлари тур фирмалари билан ҳамкорликда аждодларни хотирлаш мақсадида машҳур кема йўлини қайта босиб ўтувчи саёҳатни режалаштирган. Муаллифлар фожеага 100 йил тўлиши муносабати билан сайёҳларга «Титаник»да ўша пайтдаги ҳолатни тақдир этишади: овқатланиш, мусиқа, кийим-кечаклар ўша даврники. «Титаник» хотирасига бағишланган сайёҳлик худди ўз аждодидек 8 апрель кунини портидан чиқиб кетади. Рейс Англиянинг Саутгемтон портидан бошланиб, 14 апрелдан 15 апрелга ўтар кечаси соат 11:40 дан 2:20 гача шимолий Атлантикадаги фожеа жойида бўлишида, кейин Нью-Йоркка қараб йўл олишади. 12 кун давом этадиган саёҳат нархи қарийб 4,5 минг АҚШ долларини ташкил этади. Замонавий «Титаник»да ўрнатилган махсус механизм айсберглар ҳақида тўлиқ маълумотлар бериб туради.

## ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

### «Ерости» режаси

**Буёқ Британия пойтахтида қарийб 10 минглаб метро ходимлари намойиш ўтказишмоқда.**

Намойишчилар раҳбарият томонидан ишлаб чиқилган 800 нафар ишчи-ходимларни қисқартиришга қаратилган наватдаги режага қарши чиқишмоқда. Ҳозирча касабга уюшмалари ва метрополитен раҳбарияти томонидан олиб борилган музокаралар ҳеч қандай наф бергани йўқ. Лондонда метроларнинг аксарият йўналиши тўхтатиши оқибатида пойтахт кўчаларида тирбандликлар юзага келмоқда. Бир кунлик намойишлар туфайли қарийб 3,5 миллион одамлар ишга вақтида етиб бормолмаган. Лондон транспорт бошқармаси шаҳар кўчаларига қўшимча 100 та йўловчи ташиш автобусини қўйган.



### 18 ёшдан кичик ва катталарга

**Финляндияда чекишга қарши дунёдаги энг қаттиққўл қонун кучга кирган.**

ИТАР-ТАСС хабарича, мамлакатда тамаки маҳсулотларини 18 ёшдан кичик ўсмирларга сотиш ёки бериш таъқиқланади. «Ёшларга ҳатто, бир донга сигаретани сотиш ҳам жиноят саналади. Қонунни бузганлар катта миқдорда жарима ёки 6 ойгача озодликдан маҳрум этилади», - дея оголантирилган мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлиги. Янги қонунга кўра, боғча, барча турдаги таълим масканлари, кўча майдонлари, аҳоли яшайдиган худудларда чекиш таъқиқланади. Магазинларда ҳам тамаки маҳсулотларини савдо расталарига қўйиш мумкин эмас. Эндилда чекувчиларга улар хоҳлаган маҳсулотларни каталоглар ёрдамида олиш тақдир этилади.



### Кескин камайди

**Афғонистонда афюн ишлаб чиқариш кескин камайган.**

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Гиёҳванд моддалар ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш идораси тарқатган маълумотларга кўра, Афғонистонда афюн етиштириш кескин камайган. Ҳисоб-китобларга кўра, охириги бир йил ичида Афғонистонда кўкнори ҳосили 50 фоизга тушиб кетган. БМТ томонидан ўтказилган охириги тадқиқотлар натижаси ана шундай хушбахтар тақдир этган. Сўнгги йилларда афюн бозоридида нарх-наволарнинг изчиллик билан тушиб бораётгани кузатишган. Шунга қарамай, халқаро ташкилот хотиржамликка асос йўқлиги билан ҳам оголантирмоқда. Эслатиб ўтамиз, Афғонистонда жаҳонда истеъмол этиладиган афюнинг 90 фоизи етиштирилади.



**Интернет хабарлари асосида тайёрланди**

## РАНГИН ДУНЁ

Маълумки, неча асрлардан буён ер юзидаги деярли ҳамма дарёларга тўғон қуриб келинади. Агар ўтмишга назар солсак, унинг энг қадимгиси тахминан 4500 йиллик тарихга эга. Аммо, бошқа манбаларда ёзилишича, ўта қадимий деб тан олингани ва эрамизга қадар 3200 йилда бунёд этилган тўғон Иорданиянинг Жава худудидан аниқланган.

### Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, «Milliy tiklanish» муҳбири

Мутахассислар дунёдаги энг йирик тўғонлар рўйхатини тугзаётди, қарангки, кундузлар қурган тўғонни биринчи ўринга лойиқ деб топишди. Канаданинг Альберт худудидан оқиб йўтувчи дарёдаги кундузлар 1975 йилдан буён тўғон қуриш билан машғул экан. Шу бугунга келиб, жониворлар бунёд этган тўғоннинг узунлиги 850 метрни ташкил этади. Маълумотларга кўра, Вуд Буффало номли миллий боғдаги ушбу иншоот «дунёдаги энг йирик тўғон» дея тан олинган. Энг қизиги, тўғон коинотдан ҳам кўриниб туради. Тўғон бунёд этиш бўйича ўрнатилган аввалги рекорд натижа ҳам канадалик кундузларга тегишли бўлиб, ўшанда жониворлар томонидан Жеферсон дарёси устига қурилган тўғоннинг узунлиги 700 метрни ташкил этгани қайд қилинади.


Энди инсон қўли билан бунёд этилган ҳақиқий тўғонларга тўхталсак. Аввало шуни айтиш

керакки, тўғонлар «энг мустаҳкам» ва «энг баян» турларга ажратилади. Нил дарёси бўйидаги Асуан тўғони эса шу чоққача баландликда биринчи саналади. Ҳатто, Асуан тўғони «XX аср пирамидаси» деб ҳам аталади. Негаки, у катталиги жиҳатидан қадимда қурилган улкан иншоотлардан ҳечам қолишмайди. Баъзи маълумотларга қараганда, Асуан тўғони қурилишида шунчалик кўп хомашёдан фойдаланилганки, айни пайтда ўша қурилиш ашёлари эвазига камида 17 та Хеопс пирамидасини қуриш мумкин экан.

Аслида Нил дарёси бўйида Асуан тўғонидан ташқари яна бир тўғон бор. Унинг қурилишини 1902 йили Буёқ Британия ўз зиммасига олган. Ушунда илк бор Нил дарёси сувини назорат қилишга эришилган эди. Тарихдан маълумки, мисрликларнинг ҳаёти ва иқтисодий ҳаёти Нил дарёси сувининг кўтарилиши ва пасайишига боғлиқ бўлган. Ай-

## ДУНЁ ТЎҒОНЛАРИ

ёки «XX аср пирамидаси» номини олган Асуан тўғони Мисрнинг замонавий рамзига айланган



ниқса, баъзи-баъзида рўй бериб-бермай турувчи сув тошқинлари ҳосилдорликка зарар етказарди. Тўғон қурилиши билан катта ер майдонлари ўзлаштирилиб экинзорларга айланганидан сўнг маҳаллий аҳолининг бағрига оз бўлса-да шамол теги. Бирок, уларнинг қувончи Нил бўйида ўз берган иқлимий ўзгаришларга сабаб узоққа чўзилмайди. Қолаверса, тўғон қурилишида қатнашган муҳандислар ҳам андак хатога йўл қўйишган чоғи, дарё суви тўғондан охиби тушиши ҳоллари кузатишган. 1971 йили қурилган Асуан тўғони эса ҳақиқатан ҳам Нил дарёси бўйида яшовчи аҳоли ҳаётини тубдан ўзгариштириб юборди.

Асуан шаҳри Нил дарёсининг шарқий қирғоғида жойлашган бўлиб, унинг жанубидан 13 км. узоқликда Асуан тўғони бунёд

этилган. Шаҳардан 6 км. пастроқда биринчи тўғон бўлиб, уни араблар «Эльсадд» деб аташган. Янги тўғоннинг баландлиги 111 метр, узунлиги 3800 метрни ташкил этади. У Хитойдаги баҳайбат «Уч дарё» тўғони қурилганидан сўнг ҳам дунёдаги «энг йирик» деган номни сақлаб

қололган. Асуан тўғони устида тўрт қаторли автомобиль йўли қурилган бўлиб, унинг шарқий қисмидаги канал гидроэлектростанция турбинасини ҳаракатга келтиради. Шу сабабли ерда катта сув захирасига эга суний қўл ҳосил бўлган. Ушбу қўл Асуан

тўғони қурилишига бош-қош бўлган Мисрнинг ўша пайтдаги президенти Жамол Абдул Носир номи билан Носир деб аталади. Шунингдек, Носир қўли дунёдаги энг катта суний қўллар сира-сига қиритилган. Қўл 5244 квадрат километр майдонни эгаллаб, 510 км. жанубга (Нубиядан Суданга) чўзилиб кетган.

«XX аср пирамидасига» қайтадиган бўлсак, унинг лойиҳаси Германияда тайёрланиб, қурилишига собиқ иттифоқ ҳамкорлиги қилган. Тўғон яқинида эса мана шу дўстлик рамзи сифатида нилуфар гули шаклида ҳайкал ўрнатилган. Маълумотларга кўра, ушбу ҳайкалнинг хомаси суратини Эрнст Неизвестний чизиб, меъмор Омельченко ва Павлов уни ҳақиқатга айлантиришган.

Маълумотларга қараганда, тўғон қурилишида 451 киши ҳалок бўлган. 60 000 нубиялик ҳамда Судан аҳолисининг бир қисми ўз турар жойларидан айрилишган. Маҳаллий аҳоли бошқа хавфсиз худудларга кўчирилган. Суний қўл бир қанча қадимий ҳайкал ва меъморий обиддаларни ҳам ўз қаърига тортиб кетган. Масалан, Филе ороли бир умрга қўздан қўйиб бўлди. Оролдаги айрим ибодатхоналар бўлақларга ажратилиб, рақамлаб бошқа ерда қайтадан йиғилган. Улар орасида Исиддага бағишланган энг қадимий меъморий обидда ҳам бўлган. Аввалги ҳайкалларни асраб қолиш учун шишали уйлар қурилган. Сайёҳларни эса, бу гўзалликдан баҳраманд бўлиши учун шиша қутиларда пастга олиб тушишган.

Дарҳақиқат, энг йирик, дея баҳоланувчи тўғоннинг қурилишида мисрликлар айрим тарихий ва меъморий обиддалардан воз кечишга мажбур бўлишган. Аммо, шундай бўлса-да, дунё ва мамлакат учун энг қадрли ва азиз ҳисобланган обиддалар имкон қадар сақланиб қолган. Асуан эса неча йилдирки Миср иқтисодийотида муҳим ўрин тутиб, ушбу мамлакатнинг замонавий рамзига айланиб улгурди.

# КЎЗГУ

## БАДИЙ ГИМНАСТИКА

Истиқлол йилларида мамлакатимизда муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида жисмонан ва маънан соғлом, етук авлодни вояга етказишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаёпти. Бу хайрли, эзгу ишларни амалга оширишда спорт, айниқса болалар спортининг аҳамияти беқиёс даражада катта бўлаёпти.

# Нафосат маликалари

Мирзаобод туманидаги Зулфия номли 26-мактабда янги бадий гимнастика зали очилди

**Анорбой НОРҚУЛОВ,**  
«Milliy tiklanish» мухбири



Истиқлол шарофати билан мамлакатимизнинг марказдан олис, энг чекка қишлоқ жойларида ҳам бири-биридан чиройли, кўркам спорт мажмуалари, спорт майдончалари, стадионлар барпо этилди. Қишлоқларимизда ёшлар спорт билан шуғулланиб, жисмонан чиниқиб, ҳар томонлама етук, соғлом бўлиб камолга етмоқдалар. Юртимизда кейинги йилларда спортнинг нафис тури саналган бадий гимнастика ва спорт гимнастикаси жадал ривожланиб бормоқда. Хусусан, Сирдарё вилоятида ҳам ушбу спорт тури бўйича тўғарак ва секцияларни кўпайтириш, спорт иншоотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида ибратли ишлар амалга ошириляпти. Гулистон, Янгийер, Ширин шаҳарларида ва Гулистон, Сирдарё, Оқолтин, Мирзаобод, Бобўт туманларида 600 нафардан зиёд ўсмир-қизлар бадий гимнастика билан шуғулланмоқда. Мазкур спорт турини куллаб-қувватлаш мақсадида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят вакиллиги томонидан зарур гимнастика жиҳозлари ажратилди. Вакиллик томонидан вилоят шаҳар ва туманлардаги 12 та мактаб, 12 та мактабгача тарбия муассасалари гимнастика жиҳозлари билан таъминланди.

Яқинда Мирзаобод туманидаги Зулфия номли 26-мактабда янги бадий гимнастика зали ўз фаолиятини бошлади. Мактаб Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят вакиллиги томонидан 7 миллион 203 минг сўмлик спорт жиҳозлари билан таъминланди.

Мактабимизда бадий гимнастика тўғраги самарали фаолият кўрсатмоқда, - дейди биз билан суҳбатда мактаб директори Мавлуда Ашурова. - Тўғарак раҳбари Фариди Отабоева 106 нафар қизларга бадий гимнастика сирларидан сабоқ бермоқда. Бадий гимнастиканинг фойдаси жуда катта экан. Бу спорт тури билан шуғулланган қизларимиз чиниқиб, ҳар томонлама

соғлом камол топиб бораёпти. Ота-оналарининг қувончини айтмайсизми? Ахир фарзандларининг спорт билан шуғулланиб, соғлом вояга етаётганлигини кўриб ким ҳам қувонмайди.

Мактаб директори ҳамроҳлигида бадий гимнастика билан шуғулланаётган ўқувчи-қизларнинг хатти-ҳаракатларини завқ билан кузатдик. Азиза Алимова, Дилдора Мусаева, Севара Мусулмонова, Мақсуда Маматқулова, Фазилат Ўрмонова каби қизлар мусиқа жўрлигида машқларни завқ-шавқ билан бажармоқда. Уларнинг келажакда юрт шарафини муносиб ҳимоя қиладиган умидли спортчилар бўлиб етишишига ишонч ҳосил қилдик.

Вилоятдаги мактаблар билан яқиндан танишар эканмиз, ҳудудда бадий гимнастикани кенг оммалаштиришга баркамол авлод тарбияси йўлидаги энг устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганлигига амин бўлдик. Бугун келажакимиз эгалари бўлган ёш авлодга эътибор жуда юқори. Ёшларимиз соғлом, баркамол инсонлар сифатида вояга етмоқда. Фарзандлари соғлом юртининг эса эртаси ҳам чароғондир.

## ФОНД ФОРУМ ХАБАРЛАРИ

# “Театр-2010”

унда юртимиз ва чет эл театрларнинг ижодий салоҳияти намойиш этилади

Яқинда Ўзбекистон Ёшлар театрида Фонд Форум ҳамкорлигида “Z/2010” илк халқаро театр фестивали бўлиб ўтди. Фестиваль Исроилнинг ZERO театри ҳамда Ўзбекистон Ёшлар театри артистлари иштирокидаги Шолом-Алейхем қаламига мансуб “Сехрланган тикувчи” асарининг ўзбек-исроил театрлаштирилган талқини билан очилди. Фестивалда Россия, Украина, Италия, Исроил ва Ўзбекистон театрлари иштирок этишди.

«Theatre.UZ/2010» фестивалининг асосий мақсади пойтахтимиз сахналарида маҳаллий ва хорижий театрлар ютуқларини кўрсатиш, уларнинг ижодий салоҳиятини очиб беришдир. Бундан ташқари турли мамлакатлар сахна маданиятларини яқинлаштириш орқали театр санъатининг энг яхши анъаналаридан хабардор бўлиш, ҳурмат қилиш туйғуларини уйғотиш, Ўзбекистон театр ҳаётини янада бойитишдан иборат. Шунингдек, фестиваль доирасида юртимиз ва лойиҳанинг бошқа иштирокчи-мамлакатларининг йирик театрлари спектакллари, сценорафлар кўргазмаси, концерт ва мусиқий кечалар ўрин олди.

Мазкур фестивални ташкил этиш гоёси илк мартаба 2010 йилнинг февраль ойида таълим муассасалари, тиббиёт марказлари, маданият, санъат, фан, спорт арбоблари, ёшлар ва ОАВ вакиллари билан иборат 800 нафардан ортиқ иштирокчини жамлаган «Ижтимоий лойиҳалар ва ташаббуслар интеграцияси» форумида Ёшлар театри бадий раҳбари Наби Абдураҳмонов томонидан илгари сурилган. Шундан сўнг Фонд Форум кўмаги остида «Theatre.UZ/2010» халқаро театр фестивалини ташкил этишга келишилди.

Бугунги кунга келиб Ёшлар театри пойтахтимиздаги етакчи жамоалардан бири ҳисобланиб, юқори савиядаги бадий асарларни сахналаштириш билан бирга мамлакатимиздан ташқарида ҳам театр мактаби анъаналарини намойиш этмоқда.

Фонд Форум ўз фаолияти давомида Ёшлар театрининг ижодий интилишларини фаол равишда қўллаб-қувватлаб келмоқда. Жумладан, жамғарма Ўзбекистон театр санъатини халқаро театр форумларида намойиш қилишга кўмак бериб, мамлакатимиз маданият ва санъатининг ривожланишига улкан ҳисса қўшиш орқали халқаро фаолиятни янада кенгайтиришга эришди. Жамғарма “Балтийский дом” театр-фестивали билан қўшма лойиҳа — “Россиядаги учрашувлар” МДХ ва Болтик бўйи мамлакатлари рус театрлари халқаро фестивалида мунтазам равишда иштирок этишини таъминлаб келади.

## ЎГИТ

Эзгу ишнинг мукофоти — унинг амалга ошириладир

Ақл ожизлик қилган ерда кўпинча вақт ёрдам беради

## БИЛАСИЗМИ?

Пекин шаҳрида ўта қадимий ва баҳайбат саллагул гуллади. Мазкур гул атайин республика ташкил этилган кунда очилган.

Жанубий Кореяда Горье сулоласи давридан қолган нилуфар гули уруғлари ундирилган. Натижада, салкам 700 йил давомида сақланган уруғлардан бор-йўғи 4 таси ўсиб чиққан.

## ТУРФА ОЛАМ

# Энг катта ҳовуз

Дунёдаги энг катта ҳовуз Шарм-ал-Шайх курорти ҳудудида қурилиши қутулмоқда.


Режага кўра, ушбу ҳовуз турли ўлчамдаги 11 та сунъий сув ҳавзасини ўз ичига олади. Ҳозирча унинг умумий майдони 100 гектар, энг катта сунъий сув ҳавзаларининг бири эса камидан 12 гектарни ташкил этиши кўзда тутилган. Манбада келтирилишича, ҳовуз қурилиши билан Мисрнинг “Cristal Lagoons” компанияси шуғулланади. Қурувчиларнинг таъкидлашича, сунъий ҳовуз қурилиши келаси йил бошланиб, унинг атрофида ҳашаматли меҳмонхона ҳам барпо этилар экан.



# Яна бир тахмин

Қадимги мейморчилик бўйича мутахассис Миср пирамидалари сирини очишга муваффақ бўлди.

Норвегиялик эксперт Оле Брюн шу соҳада анча йиллик тажрибага эга. Яқинда эса унинг оромини ўғирлаган саволга жавоб топилди. Ниҳоят, у қадимги мисрликлар маҳобатли эҳромларни қай тарихга бунёд этганлиқларини аниқлади. Унинг тахминича, ўшанда пирамидалар “лойиҳа тўри” асосида қурилган. Шу боис, ҳар бир эҳром ниҳоятда аниқ ва пухта режага кўра бунёд этилган экан. Эслатиб ўтамиз, бундан аввал франциялик мутахассислар ҳам шу хусусда ўз қарашларини билдиришган эди. Уларнинг хулосасига кўра, “Миср” пирамидаларининг аввал ички, сўнг ташқи қисми қурилган экан.



# Тилсимли соат

Токуйбаш дизайн-студиясининг янги ишланмаси — дисплейдан нури диод таралувчи соат асаби мустаҳкам инсонлар учун яратилган.

Ушбу электрон соат вақтни йирик рақамларда намойн қилаверади. Бироқ, муаммо шундаки, токи ўзингиз соат неча бўлганини айтмагунингизча дисплей вақтни қораяшил рангдаги лабиринт ичига яшириб қўяди. Албатта, бу тилсимни ечиш учун ақлдан кўра, кўпроқ сабр талаб этилади. Соат муаллифлари шошқоқларни ҳам ранжитиш ниётида эмас. Улар учун соат дисплейга “сеҳрли тугмача” ўрнатилган бўлиб, уни босган заҳоти вақт катта-катта рақамларда кўринар эмиш.



# Қадимги хазина

Крит (Греция) ороли ҳудудидан 2,7 минг йиллик тарихга эга тилла буюмлар топилди.

Айниқса, номаълум эркак ва аёл даҳмасидан уч мингга яқин қимматбаҳо буюмлар, паризод ари тасвири туширилган тақинчоқ ва турли хил идишлар топилган. Археологларнинг аниқлашича, қабрларнинг бирида ётган аёлнинг ёши ўшанда тахминан 25 ларда бўлиб, кибор хонимлардан бўлган экан. Афсуски, нариги даҳма соҳиб ҳақида мутахассислар бирор тўхтамга келишмаган. Шунингдек, топилмалар орасида олтин медальон, 386 та донна тилла мунчоқ, қимматбаҳо тоғ жинслари ва соф биллур ҳам борлиги қайд этилган.



Зафар МУҲАММАД тайёрлади

## ТАҚДИМОТ

# «Мутафаккирлар»

# илмий-оммабоп тўплами

унда юртимиз ва жаҳон илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган буюк даҳолар ҳақида маълумотлар ўрин олган

Қадимий диёримиз бой тарихий-маданий ва маънавий меросга эга. Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида мустақиллик йилларида тарихий ҳақиқатни қайта тиклаш, халқимизга буюк аждодларимиз томонидан яратилган маънавий бойликларни қайтариш жараёни бошланди.

**Д.РЎЗИЕВА,**  
«Milliy tiklanish» мухбири

Бизнинг юрт авлиёлар, валийлар, алломалар, жаҳонгир ва даҳолар юрти. Ана шундай улуг сиймоларнинг авлодлари эканлигимиздан қалбимизда доимо гурур ва ифтихор жўш уради. Ўз навбатида уларга муносиб фарзанд бўлиш, қолдирган илмий-маънавий меросни ўрганиб боришимиз билан бирга уни ёшлар онгига сингдириш, келажак авлодга етказиш бурчимиздир. Бу борада Имом Бухорий халқаро маркази, “Тафаккур” ва “Мовароуннахр” нашриётлари билан ҳамкорликда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “Мутафаккирлар” илмий-оммабоп рисола туркумининг

биринчи тўплами тақдимоти бўлиб ўтди. Буюк аждодларимизнинг ҳаёти ва ижодини оммага, айниқса, ёшларга яқиндан таништириш мақсадида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Фанлар академияси аъзолари, Тошкент Давлат Ислам университетининг ўқитувчилари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тўпланда Имом Термизий, Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, ибн Сино, Ҳаким Термизий, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад Замахшарий, Аҳмад Фарғоний, Имом Доримий, Абу Наср Форобий боболаримизнинг ҳаётлари давомида қилган ишлар ва асарлар ҳақида қисқа ҳамда тўлиқ маълумот берилган бўлиб, манбалар китобхон учун қизиқарлидир.

Бизнинг тарихимизда жаҳонга донг таратган улуг мутафаккирлар ўтган экан, уларнинг қолдирган илмий-маънавий мероси, ибратли ҳаёти, таълимоти бугунги муаммоларни ечишда бизга қўл келаятган экан, бу меросни ўрганмасликка, таърифламасликка, тарғиб этмасликка ҳаққимиз йўқ.

Ислом КАРИМОВ



**Убайдулла Уватов,**  
Имом Бухорий халқаро марказининг директори:

Имом Бухорий Халқаро маркази Президентимизнинг раҳнамолигида ташкил этилди. Бу тарихимизни атрофича ўрганиш, ёшларга етказишда муҳим аҳамият касб этади. Марказда “Ўзбекистон буюк алломалар юрти” лойиҳаси ишлаб чиқилди ва қўлимиздаги тўплам ҳам унинг дебосасидир. Ватанимизнинг барча алломалари ҳақида тўпламлар чоп этилиши режалаштирилган. Бундан ташқари, ишимизни янада кенгроқ тарғиб қилиш учун шу мавзуда тақвим ва қўлланмалар ҳам чиқараялмиз. Кўриб турганингиздек “Баркамол авлод йили” Давлат дастури асосида

ёшларнинг қизиқишлари инobatта олиниб, бежирим ва кичик ҳажмда рисолалар чоп этилмоқда.

**Абдуразоқ ЮНУСОВ,**  
Ўзбекистон Мусулмонлар идораси раисининг уринбосари:

Бугунги кунда аждодларимиз билан фахрлана олаётганимиз, аввалом-бор, истиқлол шарофатидир. Собиқ иттифок даврида Алишер Навоий, ибн Сино ва бошқа арбобларимиз ҳақида батафсил, кенг маълумотга эга китоблар нашр этилмаган. Шўқри, ҳозир бу борада бемалол изланишга олиб борилиб, ноёб манбалар халққа ҳавола этилмоқда. Буни жамланмада ёритилган маълумотлар орқали ҳам кузатиш мумкин.

## ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Голибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Фафуржон МУҲАМЕДОВ, Улугбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир:  
Жалолiddин САФОВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темура кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

e-mail: [milliy@sarkor.uz](mailto:milliy@sarkor.uz)

Газета ҳафтанинг чоршанба кuni чиқади. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Буюртма — Г 923, Адади — 2698

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-69-55, 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41  
ФАКС: 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи:  
Акбар ШОДИЕВ  
Навбатчи муҳаррир:  
Беҳбуд БОТИРОВ  
Навбатчи:  
Камолiddин ХОТАМОВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 24.00.